БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 188 (3689)
19 ШАНБА
АВГУСТ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ УЧ ЙИЛИ ПЛАНИ— СССР КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИГАЧА

ЗАРБДОР МЕҲНАТ БИЛАН

Ленин комсомолининг шонли 60 йиллик юбилейига бағишлаб ўтказилаётган зарбдор вахтада иштирок этаётган Тошкент пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг Наталья Йўлчибоева бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси катта ютукларни қўлга киритмоқда. Йигирма икки комсомол-ёшни бирлаштирган коллектив зарбдор учинчи йилнинг иккинчи кварталида 112 минг 870 жуфт пойафзал тикишга аҳд қилган эди. Улар 115 минг 474 жуфт пойафзал тикишиб, квартал планини 102,3 процентга адо этдилар. Бригада ишлаб чиқараётган пойафзаллар аъло бўлиб, харидорлар эътиёжини тўла қондирмоқда.

Бригаданинг илғор тикувчиси Шаҳодат Соатова, бичувчилар Зяхро Мўминжонова ва Галина Начеровалар зарбдор вахтада самарали меҳнат қилишга, сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳамда социалистик мусобақани авж олдириб, меҳнат унумдорлигини 20 процентга оширишга бел боғладилар.



Тошкент капрон йигириш фабрикасининг меҳнат аҳли коммунистик меҳнат бригадаси бошлиғи Татьяна Ставбун номини ҳурмат билан тилга олади. Шу ерда 25 йилдан бери баракали меҳнат қилаётган бу аёл мунтазам смена-ойлик топшириқларини 120 процент адо этади. У беш йиллик шахсий топшириқларини муддатидан илгари бажаришга аҳд қилган.

СУРАТДА: Т. Ставбун.

Р. Загратдинов фотоси.

ҚУРИЛИШ МАЙДОНИДА • ЯНА ТЎРТТА БОҒЧА

Яқинда «Главташкентстрой»нинг 6-трестига қарашли 70-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари Қорақамиш массивида янги мактаб биносини фойдаланишга топширишган эди. Янги бинода Собир Раҳимов районининг 20-мактаби иш бошлайди.

Ҳозир бошқарма қурувчилари мактаб ёнидаги болалар боғчаси қурилишини жадал олиб боряптилар. Икки қаватли кўркам бино шу йил битказилиши керак.

БУГУН

Юрий Губайдуллин етакчилигидаги комплекс бригада аъзолари иккинчи қаватда монтаж ишларини тугалладилар. Махсус хоналарни кошинлаш бошланди.

Шуниси характерлики, бошқарма ишчилари Юнусободда, Марказ— 17, Марказ — 18 квартолларида ҳам икки боғча биносини бунёд этишяпти. Шунингдек, Қорақамиш массивида яна битта болалар боғчасига пойдевор қўйиш бошланди.

Болалар муассасаларини сифатли ва кўркам қилиб қуриш ҳар бир қурувчининг аҳди. Шу мақсадда барча объектларда ишлаётган бригадалар ўзаро социалистик мусобақани авж олдирмоқдалар.

МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

3-таксопарк коллективи

БУГУН

саккиз ойлик топшириқ барча ишлаб чиқариш кўрсаткичлари бўйича бажарилганлиги ҳақида рапорт берди. Автохўжалик ҳайдовчилари ой охирига қадар пландан ташқари 339 минг сўмлик даромад келтиришга аҳд қилишди.

Хўжаликнинг юзга яқин ҳайдовчиси йиллик планни бажариб бўлди. А. Муҳамедов, В. Орлов, В. Зайцев, Р. Гофуров, Х. Ўрунов, Б. Опоренко каби меҳнат илғорлари шулар жумласидандир. Улар йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, ёнилғи материалларини тежаш юзасидан ўзаро мусобақалашмоқдалар.

САМАРАЛИ ЯКУН

Студентларнинг меҳнат семестри тугалланди. Ёшлар қурилиш майдонларида гайрат ва шижоат кўрсатдилар. Темир йўл транспорти инженерлари институти студентларидан ташкил топган «Машъал» отряди ҳам меҳнат семестрини яхши ўтказди.

Бир ойдан ортиқ вақт мобайнида студентлар зўр гайрат кўрсатишди. 3-курс студентларидан ибодат «Машъал» отряди метро қурилишида қатнашиш шарафига муяссар бўлди. Ёшлар метронинг М. Горький станцияси ва Октябрь инқилоби станциясининг вентиляция каналини қуришда ҳисса қўшишди. 50 минг сўмликдан ортиқ иш бажарилди.

Метро қурилишида Г. Аметов, Қ. Абдураҳмонов, С. Гуткин, Ю. Йўлдошева ва бошқа студентлар намуна кўрсатишди. Меҳнат семестри бўлгуси транспорт инженерлари учун ўзига хос мактаб бўлди.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов Хиндистон парламенти аъзолари ва Хиндистон — Совет маданият жамияти органларининг Жамната парти бош секретари Р. К. Хегде бошчилигидаги делегациясини 18 август куни Кремлда қабул қилди.

Бўлиб ўтган дўстона самимий суҳбат давомида СССР билан Хиндистон ўртасида дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлашга ўзаро интилиш изҳор этилди, иккала мамлакат халқларининг Осиёда ва бутун дунёда тинчлик ҳамда хавфсизлик ишининг манфаатлари йўлида шу муносабатларни ривожлантиришнинг муҳимлиги таъкидланди.

● Испания Социалистик ишчи партиясининг делегацияси куни куни Испания Социалистик ишчи партиясининг делегацияси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида қабул қилинди.

«САЛЮТ-6» — «СОЮЗ-29» — «ПРОГРЕСС-3»:

УЧИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 18 август. (ТАСС). Учувчи бошқарадиган «Салют-6»— «Союз-29» — «Прогресс-3» илмий-тадқиқот комплексининг ҳаракат траекторияси кеча кечқурун тўғрилаб қўйилгандан кейин у параметрлари қуйидагича бўлган орбита бўйлаб учишни давом эттирмоқда:

— Ер юзидан максимал олислиги — 359 километр;

— Ер юзидан минимал олислиги — 343 километр;

— айланиш даври — 91,4 минут;

— оғиши — 51,6 градус.

«Прогресс-3» юк транспорт кемасининг двигатель установкасидан фойдаланиш йўли билан орбитада тўғрилаб қўйилди.

Бугун Владимир Коваленок билан Александр Иванченковнинг иш куни эрталаб соат 8 да бошланди. Космонавтлар «Салют-6» станциясидан кўчириб олинган асбоб-ускуналарни юк кемасига жойлаштириш ишларини ниҳоясига етказмоқдалар. Ер юзини фан ва халқ хўжалигининг турли тармоқлари манфаатлари йўлида кузатиб, суратга олмоқдалар.

Ўтказилган медицина текширишларининг натижаларига кўра, космонавтларнинг сиҳат-саломатликлари яхши.

Станциянинг ва ҳар иккала кеманинг борт системалари нормал ишлаб турибди.

«Салют-6» — «Союз-29» — «Прогресс-3» орбитал комплексининг учиши давом этмоқда.

• *Ишчи маҳорати конкурси*

Тўқувчининг зафари

Ишчи маҳорати конкурсларини ўтказиш корхоналарда яхши анъанага айланиб қолди. Бундай конкурсларнинг республика миқёсида ўтказилаётганлиги айниқса диққатга сазовордир. Куни кеча Фарғонада бўлиб ўтган навбатдаги республика конкурсида Тошкент тўқимачилик комбинатининг 1-тўқув фабрикаси ишчиси С. Булатова ҳам иштирок этиш шарафига муяссар бўлган. Маҳорат кўригида Фарғона ва Тошкент тўқувчилари билан бирга навқирон ва қадимий Бухоронинг ёш тўқувчилари ҳам қатнашишди. Тўқувчиларнинг ҳар бири «АТ-100» маркали тўқув дастгоҳларининг 28 тасида тўрт соат давомида ишладилар.

Тўқувчилар конкурсга пухта тайёргарлик кўриб, ўзига бириктилган станокларининг техник ҳолатига, тандалар сифати, иш жойининг тозалигига алоҳида эътибор беришларини намойиш этишди. Конкурс иштирокчилари ип улашда ниҳоятда чаққонлик кўрсатдилар. Айниқса София Булатова рекорд қўйди. У узилган ипни улаш учун нормадаги 30 секунд ўрнига 13,5 секунд сарф қилди. Фарғоналик тўқувчи Наташа Ермолаева эса 14,7 секунд сарфлади. С. Булатова, Н. Ермолаева ва бухоролик тўқувчи А. Болтаевалар ишлаб чиқарган маҳсулотнинг 100 процентти аъло сифатга қабул қилинди.

Конкурсда иштирок этган Тошкент тўқимачилик комбинатининг ёш тўқувчилари Р. Рихсиддинова, Т. Мадаминова, Фарғона тўқимачилик комбинати тўқувчиси Н. В. Лидоева, Бухоро ипгазлама комбинатининг тўқувчилари Р. Субҳонова, Н. Чубарова, А. Болтабоевалар ҳам қимматли совғалар топширилди.



Коммунистик меҳнат зарбдори Виктор Бочков шаҳримиздаги «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмаси механика цехининг моҳир машинасоз деталчиси ҳисобланади. Корхонада кўпдан буён баракали меҳнат қилиб, кўпларга ўрнак бўлаётган бу ишлаб чиқариш новатори ҳозир 1980 йил топшириқларини муваффақиятли бажарялти.

ШАҲАР — ҚИШЛОҚҚА

ПАХТАКОР ШАҲРИГА

Ҳамза районидаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг қўриқ ердаги Пахтакор райони хўжаликларига кўрсатаётган оталиқ ёрдами эътиборга лойиқ. Райондаги 4-Давлат лойиҳа институти коллективи ҳам ҳимомат кўрсатди. Яқинда меъморлар Пахтакор шаҳар пионерлар уйининг лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаб бердилар.

Замонавий услубдаги чиройли бино ёш шаҳар кўркига кўрк қўшади, болаларнинг севимли масканига айланади. Бино лойиҳасини институт қурилиш бўлимининг ходимлари Н. Бронштейн ва С. Лимоня чизишган.

БУГУН

институт лойиҳачилари Жиззах областининг 8-«А» совхозида қуриладиган пахта тайёрлаш пункти лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаб бўлишди.

Коллектив қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Ҳамшаҳарлар, сизлар учун

250 ХИЛ ХИЗМАТ

Ҳозирги пайтда шаҳримиз аҳолисига кўрсатилаётган маиший хизмат турларининг умумий сони 250 га етди. Бир йилда аҳолига кўрсатилаётган умумий хизмат ҳажми 33 миллион сўмдан ошади.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шаҳар бошқармасида мухбиримизга ана шу ҳақда хабар қилишди. Бундай ютуққа янги-янги корхоналарни ишга тушириш натижасида эришилмоқда. Ақмал Икромов районидаги Бешқайрағоч массивида ишга туширилган янги маиший хизмат уйи бу ердаги аҳолининг узоғини яқин қилди. Маиший хизмат уйида тикувчилик, ҳар хил мураккаб аппаратуралар ремонти, кийимларни тозалаш, суратга олиш бўйича хизмат кўрсатилмоқда. Янги корхонанинг бир йиллик ишлаб чиқариш қуввати 150 минг сўмдан иборат.

Юнусобод массивида шаҳримизда биринчи марта «Алёнушка» деб аталган болалар ателеси, Охунбобоев майдонида эса бир йилда 270 минг сўмлик иш бажарадиган гилам ва гиламдўзлик буюмларини тозалаш корхонаси ва жуда кўпгина қабул пунктлари очилди.

Шу кунларда Собир Раҳимов районидаги Кочубей кўчасида уч қаватли янги маиший хизмат уйининг қурилиш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Янги корхона яқин кунлар ичида ишга туширилади.

• *Бошланғич партия ташкилотларида*

Ёрдам кучайтирилмоқда

КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) Пленуми қарорлари асосида Октябрь революцияси номидаги тепловоз ремонти заводи партия комитети конкрет тадбирлар плани ишлаб чиққан эди. Унда Жиззах областининг Октябрь районидаги Собир Раҳимов номли совхозга оталиқ ёрдамини янада кучайтириш кўзда тутилган.

Шу қуиларда совхоз ишчилари ва механизаторларининг бўш вақтларидан бўйича зарур материаллар, қисм ва деталлар пешма-пеш юборилиб турилибди. Корхона ишчиларидан бир группаси совхоз далаларида бўлиб механизаторларга амалий ёрдам кўрсатишди.

Корхона партия комитети ана шу хўжаликка оталиқ ёрдами кўрсатишнинг 1980 йилгача тузилган комплекс тадбирлар планининг бажарилиши устидан ҳозиргача қаттиқ назорат ўрнатди.

Коллектив туҳфаси

Пойтахтимиздаги агрегат заводи партия ташкилоти КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорлари, унда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг «СССР қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисида»ги докладида илгари сурилган қоида ва хулосалар, конкрет вазифаларни коллективнинг ҳар бир аъзоси қалби ва онгига сингдирмоқда. Коллектив Сирдарё областидаги Оқ олтин райони Ворошилов номли совхоз ишчиларига самарали оталиқ ёрдами кўрсатмоқда. Пленум қарорлари юзасидан тузилган тадбирлар планига мувофиқ яқинда оталикдаги хўжаликка 30 комплект олд кўприк, тўртта редуктор, яна 30 комплект орқа кўприк ҳамда тракторлар учун бошқа зарур эҳтиёт қисмлар юборилди. Бундан ташқари «Узсельхозтехника»нинг район бўлимига 20 комплект олд кўприк жўнатилди. Корхона партия комитети белгилаган тадбирлар орасида оталиқдаги совхознинг 15 ишчисига токарлик, слесарлик ва бошқа касбларни ўргатиш кўзда тутилмоқда.



Шаҳримизнинг Охунбобоев майдонида 11-«Висотстрой» трести 75-қурилиш бошқармасининг нодлективи 1000 ўринли «Москва» меҳмонхонасини тезкорлик билан бунёд этмоқда. Сиз мана бу фотолавҳада ана шу қурилишда баракали меҳнат қилаётган илғор монтажчи-пайвандчилардан (чапдан-ўнгга) Файзирахмон Гильфанов ва Ҳурматулла Гирфанов ўртоқларни кўриб турибсиз. Бу азамат қурувчилар смена-ойлик нормаларини мунтазам ортиғи билан адо этишяпти.

М. Нуриддинов фотолари.

• *Умри боқий дўстлик*

ГАСТРОЛЬ ҚИЗҒИН ЎТМОҚДА

НОВОСИБИРСК (телефон орқали). Тошкент билан Новосибирск оралигида бир неча минг километр масофа бор. Лекин шу кунларда Сибирнинг ана шу навқирон шаҳрида бўлган киши тошкентликларнинг нафасини яқиндан сезади. Бу ерда бир неча ҳафтадан буён Горький номли рус Давлат академик драма театрининг гастроллари ғоятда қизғин ўтмоқда. Театр директори Сара Руимовна Лейкина телефон орқали коллективнинг гастролдаги завқли кайфиятини изоҳлаб берди:

— Сафардаги ҳар бир кунимиз қизғин ўтмоқда. Рус томошабинларининг кенг даврасида бўлиш биз санъаткорлар учун ғоятда масъулиятли ва айни пайтда жозибали имтиҳондир. Новосибирск шаҳридаги энг яхши санъат даргоҳларидан бири — музикали комедия театри биносини бизнинг ижод қилишимиз учун бўшатиб берилган. Томошабинлар ана шу театрда «Уч тийинлик опера», «Шох Федор Иоаннович», «Хатолар комедияси», «Тугишганлар», «Валентина, Валентина», «Ювош кексалар», «Келинлар қўзголони» ва бошқа спектакларимизни зўр қизиқиш билан қўрмоқдалар.

Айниқса Новосибирскдаги жаҳонга машҳур бўлган Олимлар шаҳарчасида ҳам чиқишларимиз муваффақиятли ўтмоқда. Турли илмий муассасаларнинг ходимлари репертуаримизга қизиқиш билан қарамоқдалар.

Биз гастроль давомида спектакллар кўрсатиш билан кифояланиб қолмай, балки қатор корхоналарда, қурилиш ташкилотларида, Сибирни ўзлаштириш йўлида шуғулланаётган йирик муассасаларда ижодий учрашувлар ўтказяпмиз. Айниқса электр ускуналари корхонасидаги дўстона учрашувимиз катта давра олди. Корхонанинг ишчилари ва хизматчилари ана шу кечада рус ва ўзбек халқларининг абадий дўстлиги ҳақида фахрланиб гапирдилар.

Спектакларни намойиш этишда, томошабинлар билан учрашувлар ўтказишда Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар В. Филатова, П. Дроздов, Н. Мягкова, В. Русинов, артист В. Цветков, ёш ижодкорлардан И. Артюшкина, В. Теппер ва бошқалар актив қатнашмоқдалар.

Новосибирск шаҳрида театримиз спектакларига қизиқиш шунчалик катта бўлаётики, томошабинларнинг жуда кўплаб илтимосини бажариш мақсадида бир неча спектакларни телевидение орқали кўрсатишни планлаштирдик. Севимли адибимиз Саид Аҳмаднинг «Келинлар қўзголони» комедияси Новосибирск томошабинларига ғоятда манзур бўлганлигини эслатиб ўтмоқчиман. Гастроль сафаримиз шу ойнинг охирида ниҳоясига етади.

М. РАҲИМОВА,
Ўзбекистон ССР театр жамиятининг ходими, театршунос.

• *Шарҳчи сатрлари*

КЕСКИНЛИКНИ ЮМШАТИШНИНГ РЕАЛ САМАРАЛАРИ

Кейинги вақтларда кескинликни юмшатишни чуқурлаштириш, унга муқаррар тус бериш, Европада турли социал тузумдаги давлатлар ўртасидаги ўзаро самарали ҳамкорликни ривожлантириш йўлида конкрет натижаларга эришилди. Бу натижалар халқаро кескинликни юмшатиш замонамизнинг барқарор сиёсий реаллиги бўлиб қолганлигидан далолат беради.

Совет — Франция ҳамкорлиги Европа қитъасидаги ялпи сиёсий иқлимни яхшилашда катта роль ўйнамоқда. Францияда журналист бўлиб ишлаган йилларим давомида сиёсий, савдо-саноат, жамоат доираларининг намояндалари билан бўлган учрашувлар вақтида: «Франция кескинликни юмшатиш ишини ғарбда биринчи бўлиб бошлаб берганлиги билан жуда фахрланамиз», деган гапни кўп марталаб эшитганман.

СССР билан Франция ўртасида иноқлик ва ҳамкорлик сиёсати уларнинг муносабатларидаги доимий сиёсат ва халқаро турмушнинг доимий омили бўлиб қолиши лозим. СССР билан Франция ўртасидаги ҳамкорлик принциплари тўғрисида 1971 йил октябрида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев билан Франция президенти Ж. Помпиду Парижда имзолаган ҳужжатда шундай дейилган эди. Бу муҳим ҳужжат Советлар мамлакатининг Ғарбий Европа давлатлари билан муносабатларида сифат жиҳатидан янги босқични бошлаб берди, шу турдаги бошқа халқаро битимларни ишлаб чиқиш намунаси бўлди.

Чегараларнинг бузилмаслиги, ички ишларга аралашмаслик, тенглик, мустақиллик, куч ишлатишдан ёки куч ишлатиш билан дўк қилишдан воз кечишнинг Москва билан Париж эълон қилган принциплари кейинчалик Хельсинки кенгаши Якунловчи актининг асосий бандларида ўзининг мазмундор ифодасини топди.

Олий даражадаги совет—француз учрашувлари давомида 1975—1979 йиллар ўртасидаги даврда СССР билан Франция ўртасидаги товар оборотини шундан авваллги беш йиллик даврга нисбатан икки ҳисса кўпайтириш ҳамда уни уч ҳисса кўпайтиришга эришиш учун ҳамма чораларни кўриш, шунингдек, савдо-сотиқни балансли равишда ривожлантиришни таъминлаш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Шу йилнинг 1 сентябригача товар оборотини икки ҳисса кўпайтириш таъминланади, қолган 15 ой мобайнида эса томонлар уни уч ҳиссе оширишга яқинлашиб қоладилар.

Иккала мамлакатимизнинг илмий, маданий, парламентлараро алоқалари муваффақиятли ривожланмоқда ва тобора кенг кўлам касб этмоқда. Францияда очиқдан-очиқ Советларга қарши кайфиятдаги кучлар, кескинликни юмшатишга ва Совет Иттифоқи билан ҳамкорликка путур етказишга интилаётган кучлар борлигидан кўз юмиб бўлмайди, албатта. Бироқ, Париж билан Москванинг муносабатларидаги бош йўлни белгилаб берувчилар ва йўналтирувчилар мутлақо улар эмас.

Яқинда СССРга келиб кетган Франция ташқи савдо министри Ж. Ф. Деньо айтганидек, Франция ҳукумати Совет Иттифоқи билан иқтисодий алоқаларни бундан буён ҳам ривожлантираверишниятидадир, чунки бу — ҳамма соҳаларда икки томонлама ҳамкорликни текомиллаштиришнинг яхши негизидир.

Е. БАБЕНКО,
ТАСС шарҳловчиси.

телетайп лентасидан

◆ **ПРАГА. Прагадаги техника адабиёти нашриёти Чехословакия билан Совет Иттифоқи ўртасида фан ва техника соҳасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кучайтириш ва кенгайтиришга катта ҳисса қўшмоқда. Нашриёт ташкил этилгандан буён ўтган чорак аср мобайнида у совет авторларининг сал кам 1000 номдаги асарини нашрга тайёрлади. Луғатларни тузишда ҳам икки қардош мамлакат ўртасидаги алоқалар муваффақиятли суратда ривожланмоқда. Чех-рус ва рус-чех техника луғатлари, шунингдек бир қанча умумий ва тармоқ справочниклари СССР билан ЧССР мутахассисларининг биргалигидаги меҳнати самараси бўлди.**

◆ БРЮССЕЛЬ. Бельгиядаги иқтисодий кризис саноатда ишчиларнинг анча камайишига олиб келди. Регионал экономика давлат секретари М. Эйскенсиннг бу ерда маълум қилишича, 1974 йилдан 1977 йилгача мамлакатнинг саноат корхоналарида 153.329 киши ишдан маҳрум бўлди.

◆ БРАЗИЛИА. В. И. Ленин асарлари Бразилия китобхонларини тобора кўпроқ қизиқтирмоқда. Яқинда бу ерда В. И. Ленининг «Нима қилмоқ керак?» деган асари португал тилида босмадан чиқди. «Инжтимоий фанлар соҳасидаги буюк олимлар» туркумига кирган ва яқинда китоб магазинларининг жавонларида пайдо бўлган мазкур том Ленинга бағишланган. Шу томнинг нашрига ёзилган сўз бошида қуйидагилар таъкидланади: «В. И. Ленин— XX асрнинг энг улуғ арбобларидан бири, буюк мутафаккир ва атоқли сиёсий ҳамда давлат арбобидир. Ҳозирги кунда унинг кишилар онгига ўтказаётган таъсири у ҳаёт чоғида бўлгани каби буюкдир. Ленин туфайли марксизм назариядан амалда рўёбга чиқарилди».

◆ БУДАПЕШТ. «Венгрияда тайёрланган» деган тамга босилган пойафзали жўнатди. Совет Иттифоқи бу заводдан энг кўп пойафзал сотиб олмоқда. Шу йилнинг дастлабки олти ойи мобайнида «Тиса» заводида тайёрланган қарийб 900 минг жуфт пойафзал Совет Иттифоқи магазинларига етказиб берилди.

КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари — оммага

ЛЕКТОРЛАРНИНГ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми ва унинг тарихий қарорлари, Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг «СССР да қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисида» қилган докладида олдимизда турган жуда кўп муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Ҳозирги пайтда идеология ходимлари, пропагандистлар ва лекторларнинг олдида турган энг шарафли вазифалардан бири ана шу тарихий Пленум материалларини ҳар бир совет кишисига етказиш, партия ва ҳукуматимиз олиб бораётган доно ленинча сиёсатни кенг ва атрофлича пропаганда қилишдир. Пленум ўз ишини ниҳоясига етказиши билан Тошкент шаҳар «Билим» жамияти ташкилоти унинг материалларини пропаганда қилиш бўйича тегишли планни ишлаб чиқди ва амалга ошира бошлади. Пленумда кўтарилган масалалар лекторларимизнинг фаолиятида марказий мавзу бўлиб қолди. Ҳар куни юзлаб лекторлар корхоналарда лекциялар ва суҳбатлар ўтказа бошладилар. Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг сиёсий маориф уйидаги доимий ҳаракатдаги семинарда «КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорлари совет халқи фаолиятининг жанговар программасидир» деган мавзуда лекция ўтказилди. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти сиёсий иқтисод кафедрасининг доценти, иқтисод фанлари кандидати Р. Т. Турсунов ана шу мавзуда лекция ўқиди.

Пленум материалларини пропаганда қилишда олим лекторларнинг корхоналарга коллектив бўлиб бориш усулларидан кенг фойдаланилмоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти ходимларидан иборат тарихчи лекторларнинг шаҳар корхоналарида ўтказган суҳбатлари ғоятда қизиқарли бўлди. Бу тадбирда институт доценти, тарих фанлари кандидати Л. К. Шек, тарих фанлари кандидати, доцент А. А. Григорянц, катта илмий ходим ва ходимлар И. Алимов, К. Каримовлар қатнашдилар. Бу олимлар Киров районидаги «Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги» номли тикув ишлаб чиқариш бирлашмасининг цехларида қатор суҳбатлар ўтказишди. Бундан ташқари ана шу институт ходимларидан иборат П. Ковалеко, В. Самойлов, Л. Шек, Б. Сакаулов, Л. Анисимов, М. Қодировлардан иборат группа эса Сергели райони корхоналарида бўлди.

Айни пайтда район «Билим» жамиятлари ташкилотлари ҳам бу борада актив фаолият кўрсатишмоқда. Ҳамза район ташкилоти 1-уйсозлик комбинатида, «Ташсельмаш» заводида ва қурилиш бошқармаларида Пленум материаллари бўйича 107 марта лекция ташкил қилди. Ленин районида ўқилган лекцияларнинг сони эса юзга боради. Айниқса, Октябрь районидаги Ильич, «Олмазор» маҳаллаларида ҳам ўтказилган савол ва жавоб кечалари тингловчиларга манзур бўлди.

«Билим» жамияти Киров район ташкилоти эса диққатга сазовор иш қилди. Бу ерда район партия комитети билан ҳамкорликда июль Пленумининг тарихий аҳамиятига бағишлаб илмий-амалий конференция ўтказилди. Конференцияда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти иқтисод кафедрасининг доценти, иқтисод фанлари кандидати Р. Т. Турсунов доклад қилди. Ана шу конференцияда «Средазкабель» бирлашмаси сиёсий маориф кабинетининг мудири М. Спирин, САНИИРИ партия бюроси секретарининг ўринбосари А. Тарковский ва бошқалар сўзга чиқдилар. Сўзга чиққан докладчи ва нотиқлар июль Пленумининг қарорлари мамлакат қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда кенг истиқболлар очиб берганлигини, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада юксалтириш учун илмий хулосалар ишлаб чиқилганлигини, бу борада олиб бориладиган лекция пропагандасининг тематикаси ранг-баранг бўлиши ва унинг таъсирчанлигини ошириш ҳақида гапирдилар.

Бундан ташқари шаҳримиздаги олий ўқув юртларининг ўқитувчилар состави республика областларига лекция пропагандасини олиб боришда оталиқ ёрдамини кўрсатмоқдалар. Яқиндагина олимларнинг ана шундай бригадалари Тошкент, Жиззах ва бошқа областларда бўлиб, жойларда қатор амалий тадбирлар олиб боришди ва суҳбатлар ўтказишди. Хуллас, июль Пленуми материалларини кенг пропаганда қилиш лекторларнинг доимо диққат марказида турибди.

М. ҒОИБОВА.
«Билим» жамияти Тошкент шаҳар ташкилотининг референти.



В. Канцеров командирлик қилаётган «ИЛ-62» самолёти экипажи СССР Конституцияси кунини мукосиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун ҳаракат қилмоқда. Узоқ масофаларга парвоз қилувчи бу экипаж Ўзбекистон граждан авиацияси бошқармаси коллективлари ўртасидаги социалистик мусобақада голиб чиққан.

СУРАТДА: нагор экипажнинг (чапдан-ўнгга) иккинчи учувчи С. Толибов, борт радисти Н. Зулков, борт инженери В. Мостовский, командир В. Канцеров, штурман Г. Катс[illegible].

М. Нуриддинов фотоси.

Ленин, Фрунзе ва Сергели районлари мусобақаси

ЙИЛЛИК ПЛАН — МУДДАТИДАН ИЛГАРИ
• Мажбуриятлар изидан

План интизомини мустаҳкамлайлик

Маълумки, саноат корхоналарининг иши мижозларнинг буюртмаларини қандай бажарилаётганлиги ва маҳсулот реализация қилиш ҳажми билан баҳоланади. Мана шу кўрсаткичларнинг бажарилиш даражаси меҳнат коллективларини ишнинг қандай ташкил этганлигини кўрсатади. Бунинг натижасида корхоналар буюртмалар ва шартномаларни янада қатъий бажаришга киришадилар.

Шу жумладан, буни Ленин, Фрунзе ва Сергели районларидаги фабрика, завод ва бирлашмаларнинг хўжалик-иқтисодий фаолиятларида ҳам кўриш мумкин. Районларда кўпгина корхоналар йилнинг еттинчи ойи учун белгиланган шартномалар асосида ўз мажбуриятларини муваффақиятли амалга оширдилар. Маҳсулот сифати бир мунча яхшиланди. Айрим буюмлар ишлаб чиқариш бўйича брак маҳсулот ишлаб чиқариш сони камайди.

Буни мусобақадош уч район саноати қўлга киритган сўнгги натижалар ҳам кўрсатиб турибди. Ишлаб чиқариш коллективлари пландан ташқари 10 миллион 457 минг сўмлик маҳсулот бердилар. Бу шу йилнинг январь-июль ойлари учун қабул қилинган социалистик мажбуриятдагидан 1.1 миллион сўмлик кўп демакдир.

Белгиланган ҳажмдаги маҳсулотни муваффақиятли тайёрлашда меҳнатни аниқ ташкил этилиши ва ишлаб чиқариш суръатининг авж олдирилиши катта аҳамиятга эга бўлди. Жумладан, қурилиш материаллари саноати тажриба-механика, картон таралари, ЦНИИХпромнинг экспериментал тўзапоядан прессланган плиталар ишлаб чиқариш завод-лари, «Октябрь 50 йиллиги» номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Продооформление» комбинати. Модалар уйи ва бошқа корхоналар коллективлари буюмлар ишлаб чиқариш графигидан бир-уч ҳафта илгарилаб кетдилар.

1978 йилнинг январь—июль ойлари кўрсаткичлари	Ленин райони	Фрунзе райони	Сергели райони
Маҳсулот реализация қилиш бўйича планнинг бажарилиши (процентларда)	103,2	101,6	102,5
Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича планнинг бажарилиши	101,5	102,4	102,2
Ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг ўсиш суръати (процентларда)	109,1	102,5	106,0
Меҳнат унумдорлиги бўйича планнинг бажарилиши (процентларда)	102,4	103,7	102,3
Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан (процентларда)	109,2	104,8	103,8
Меҳнат унумдорлигининг ортиши ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши (процентларда)	100,0	100,0	63,0
Планни бажармаган корхоналар:			
а) реализация бўйича бажармаган (минг сўм ҳисобида)	—	—	—
б) ишлаб чиқариш ҳажми бўйича	2	—	1
в) меҳнат унумдорлиги бўйича	—	—	3
Маданий-маиший моллар ишлаб чиқариш (планга нисбатан процентларда)	101,9	105,7	100,7
Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан маданий-маиший моллар ишлаб чиқариш суръатининг ўсиши (процентларда)	107,9	112,3	102,7
Планни бажара олмади:			
— цехлар	8	3	3
— участкалар ва бригадалар	47	12	22
— ишчилар	385	428	93
Қурилиш-монтаж ишларининг бажарилиши (марказлашган молиявий манбалар) 1978 йилнинг январь— июнь ойлари кўрсаткичлари. (процентларда)	112	101	114
Турар жойни фойдаланишга топшириш, 1978 йилнинг январь—июнь ойлари кўрсаткичлари (процентларда)	175	128	112

Кўпгина корхоналарнинг коллективлари пландан ташқари маҳсулот реализация қилиш бўйича йиллик мажбуриятларини бажариб, июль ойида муҳим маррани қўлга киритдилар. Қурилиш материаллари саноати тажриба-механика, экспериментал фурнитура, республика Қурилиш министрлигининг экспериментал-механика заводлари, «Октябрь 50 йиллиги» номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси. Модалар уйи, «Продооформлен и е» комбинати ва бошқалар шулар жумласидандир.

Шу билан бирга, барча корхоналарда план ва шартнома интизомига тўла риоя қилинияпти деб бўлмайди. Ҳамма жойда ҳам белгиланган ҳажмдаги маҳсулот ишлаб чиқариш таъминланмаяпти. Жумладан, пластмасса буюмлари ва уй-рўзғор химияси заводи белгиланган 40 хил буюмдан атиги ярмини ишлаб чиқаряпти, холос. Ярим йиллик якунга кўра экспериментал фурнитура — пластмасса заводи маҳсулот ишлаб чиқариш ва буюртмачиларга тўққиз хилдаги буюмни етказиб бериш бўйича план-топшириқни бажараолмади.

Мана яна бир мисол. «Продооформление» комбинатида озиқ-овқат саноати министрлигининг Бош бошқармаси полихлорвинилдан плёнка ишлаб чиқаришни планлаштирган эди. Топшириқни бажариш учун комбинатга юз тоннага яқин полистирол билан таъминлаши керак эди. Бироқ, озиқ-овқат саноати министрлиги ўн марта кам хом ашё ажратди. Бас, шундай экан, нима учун янги ташкил этилган корхонада Бош бошқарма ана шунча маҳсулот ишлаб чиқаришни планлаштирди?

Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича тепловоз ремонти заводларида, «Средазэлектроаппарат», «Ўчқўн» бирлашмаларида, канап фабрикасида ана шундай қолоқ цех, участка ва бригадалар бор.

Албатта буларнинг ҳаммаси муҳим кўрсаткич бўлган товар-маҳсулот таннархини таъминлаш планини бажарилишига салбий таъсир кўрсатди. Жумладан, тепловоз ремонти, 1-автомобиль ремонти заводларида ва бошқа корхоналарда буюмлар таннархи ўн минглаб сўмга қимматлашиб кетди.

Ташкилий - техник тадбирлар планларида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини ошириш асосий ўринлардан эгаллайди. Бироқ ҳамма жойларда бу тадбирларни амалга ошириш борасида кўнгилдагидек иш олиб борилмаяпти. Жумладан, қуёш тўсқич мосламалари заводида, тўқимачилик комбинатида, «Узвторчермет» бирлашмасида ва бошқа корхоналарда асосий технологик ускуналардан фойдаланиш коэффициенти, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси жуда паст.

Меҳнат коллективлари белгиланган тадбирларни амалга оширишлари учун, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун курашни янада авж олдириш тўғрисидаги Мактубида айтилган қонун-қоидаларга биноан план ва шартнома интизомига тўла риоя этишлари, кам ишчи кучи ва кам маблағ сарфлаб, белгиланган номенклатурадаги буюмлар ишлаб чиқаришни таъминлашлари учун назоратни янада кучайтиришлари лозим.

• Республика бўйлаб

«ҚИШКИ ПОЛИЗ»

Сирдарё областидаги «Социализм» совхозида яна битта уч гектарлик теплица фойдаланишга топширилди. Ҳозир хўжалик ишчилари бу ерда сабзавот экишга тайёргарликни ниҳоясига етказмоқдалар. Улар қишда ҳар квадрат метр ердан 15 килограммгача маҳсулот етиштиришни мўлжалламоқда. «Қишки полиз» ҳосили совхоз механикаллари дастурхонига ва Гулистон магазинларига юборилади.

ЯНГИ МАҲСУЛОТ

Машҳур Оренбург тивит рўмоллари тўқувчиларининг Наманган областида «рақиблари» пайдо бўлди. Поп район территориал-ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Високогорний» эчкичилик совхозида очилган янги цех цеваралари дастлабки юзта кўрпам рўмол тўқидилар. Бу ерда ўрнатилган учта машина эчки берадиган қора тивитдан калава йигиради. Кечаги уй соҳибаларидан 33 аёл ҳўжаликда тўқувчилик касбини ўзлаштирди. Бу йил улар минтга тивит рўмол тўқиб беришмоқчи.

[ЎзТАГ].

• Эртага — СССР Ҳаво флоти куни

ЭЛ ХИЗМАТИДА

Олис манзилларни миллиондан ортиқ йўловчиларга энг авало ерда — муҳташам аэровокзал комплексларида хизмат кўрсатилади. Ҳар бир самолётни учишга ҳозирлаш, йўловчиларнинг билет ва юкларини ўз вақтида рўйхатдан ўтказиб, рейсларни белгиланган вақтдан кечиктирмасдан учириб юбориш аэровокзалдаги кўплаб хизмат бўлинмаларининг ўз ишларини оперативлик билан бажаришлари орқали амалга оширилади.

Аэропортимиз йўловчилар ташишни ташкил этиш хизматининг кўп сонли ишчи-хизматчилари ана шундай масъулиятли вазифага жалб этилган. Улар бугунги кунда ўз байрамлари — СССР Ҳаво флоти кунига муносиб меҳнат совғалари билан келдилар. Йўловчиларга хизмат кўрсатиш етти ойлик плани 102,4 процент қилиб адо этилди. Ўтган давр мобайнида марказий ва маҳаллий линиялар бўйича 1,6 миллиондан кўпроқ йўловчига хизмат кўрсатилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 114,3 минг киши кўпдир. Бошқача қилиб айтганда етти ойлик планга қўшимча 38,8 минг кишига хизмат кўрсатилди.

Бу йил аэропортимиз коллективи 2,9 миллиондан ортиқ йўловчининг узоғини яқин қилишга аҳд қилган. Зиммадаги ана шу масъулиятли вазифани муваффақиятли амалга ошириш учун йўловчиларга хизмат кўрсатишни илмий асосда ташкил этишга, билет ва юкларни рўйхатдан ўтказиш ва йўловчиларни самолётга чиқариш вақтларини қисқартиришга алоҳида аҳамият бериляпти. Бу борада янги иш усуллари жорий этилмоқда. Масалан, шу йил 1 июндан бошлаб марказий ҳаво йўллари бўйича учадиган 24 рейс учун амалга ошириладиган рўйхатдан ўтказиш ишлари янги аэровокзал комплекси биринчи қаватининг очиқ айвонига кўчирилди. Бу ерда йўловчиларнинг билет ва юкларини рўйхатдан ўтказиш учишдан 40 минут олдин бошланади ва 25 минут олдин тугалланади. Ҳаммаси бўлиб 15 минутда рўйхатдан ўтказиш ишлари бажариб бўлинади. Илгари бундай ишлар учун бир соат вақт кетар эди. Энди эса ҳам йўловчиларнинг, ҳам аэровокзал хизматчиларининг қимматли вақтлари тежалмоқда.

Ҳозир аэровокзалимиз бир кеча-кундузда 10 мингдан ортиқ йўловчига хизмат кўрсатяпти. Тошкент аэровокзалидан турли шаҳарларга йўл оладиган йўловчиларнинг деярли ярми маҳаллий ҳаво йўллари аэровокзалидан учиб кетяпти. Бу ерда йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш мақсадида ана шу аэровокзал комплексини капитал ремонт қилиш ва уни янгитдан жиҳозлаш тадбирлари кўзда тутиляпти.

Бундан ташқари, шу кунларда марказий ҳаво йўллари аэровокзалида ИЛ — 62 ва ТУ — 154 самолётларига хизмат кўрсатишга ёппасига ўтиш учун тўла тайёргарлик ишлари амалга оширилмоқда. Бунинг учун жуда кўп шаҳарларга учадиган ИЛ — 18 самолётлари янада тезучар, ҳар томонлама қулай, улкан ҳаво лайнерларига алмаштириляпти. Уларга йўловчилар чиқаришни ташкил этишнинг энг прогрессив формаларидан фойдаланилмоқда. Узунлиги 80 метрлик ўзиюрар йўлаклар, тўғридан-тўғри самолётга йўловчиларни чиқаришни таъминлайдиган телескопик транслардан фойдаланилмоқда.

Олис ва яқин шаҳарларга учадиган самолётларда ўринларнинг бўш ёки бандлиги доимо барча йўловчиларни қизиқтиради. Шунинг учун ҳам яқинда маҳаллий ҳаво йўллари аэровокзалида бу ҳақда маълумот берадиган янги информацион табло ўрнатилди. Тез орада бундай табло марказий ҳаво йўллари аэровокзалида ҳам ўрнатилади.

Маълумки, аэровокзалимизда учадиган ва бу ерга қўнадиган самолётлар миқдори йил сайин ошиб бормоқда. Шунинг учун ҳам шу кунларда аэропортимизда яна бир учиш-қўниш майдони бунёд этилмоқда. Уни Улуғ Октябрь революциясининг 61 йиллиги арафасида фойдаланишга топшириш ва шундан сўнг ҳозирги учиш-қўниш майдонини реконструкциялаш ишларини бошлаш кўзда тутилмоқда. Бу ТУ — 144, ИЛ-86 каби янада улкан, тезучар ҳаво лайнерларини қабул қилиш имконини беради.

Бир сўз билан айтганда Тошкент аэропортининг ишчи-хизматчилари Ўзбекистон граждан авиацияси-нинг кўп сонли коллективи сафида йўловчиларнинг кун сайин ошиб бораётган эҳтиёжларини қондириш, уларга хизмат кўрсатиш, маданиятини янада юксалтириш учун барча куч ва имкониятларни ишга солмоқдалар.

В. МЕШЧЕРЯКОВ,
Тошкент аэропорти йўловчилар ташишни ташкил этиш хизматининг бошлиғи.



«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчиси Мунаввар Орипова меҳнат қилаётган бригада коллективи фақат Давлат Сифат белгиси билан маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Бу бригада аъзолари бир сменада 1100 тадан ортиқ кўйлак тикиб беряпти. Мунаввар рамнинг ўзи эса Ленин комсомолининг 60 йиллик тўйини муносиб шаҳсий меҳнат армуғони билан кутиб олиш учун астойдил ҳаракат қиляпти.

СУРАТДА: М. ОРИПОВА:

И. Хонкелдиев фотоси.

ҲАММА ИШЛАР КОНВЕЙЕРДА

Тошкент агрегат заводида механика цехи билан термик цехни боғловчи ярим километрлик конвейер ишга туширилди. Унинг ишга туширилиши билан ягона комплекс механизациялаштирилган поток линия системаси ниҳоясига етказилди. Ҳамма цех ва участкалар ўзаро ва тайёр маҳсулот омборлари билан конвейер алоқасига эга бўлди. Бу нарса ишлаб чиқариш жараёни узлуксиз бўлишини таъминлади.

Бир группа инженер ва ишчилар заводдаги ҳамма хилдаги асосий ва ёрдамчи ишларни мумкин қадар механизациялаштириш ғоясини 1973 йилдаёқ киришган эдилар. Аввало ай-рим маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи поток линиялар яратилди.

82 ижодкор бригадаларга бирлашган рационализаторлар бу тажрибани завод миқёсида қўлладилар. Ҳозир заводдаги ҳамма конвейерларнинг узунлиги 5 километрга етди. Механизациялаш даражаси 86 процентга етди. Бу эса тармоқ бўйича ўрта ҳисобдан икки баравар кўпдир.

Механизациялаш туфайли корхона коллективи кейинги йилларда маҳсулот ишлаб чиқаришни 60 процент кўпайтирди. Шу вақт ичида ишлаб чиқариш қувватлари қўшилмади, 135 киши бошқа ишларга кўчирилди.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

Ўзаро манфаатдорлик асосида

ДЕҲЛИ. Калькуттада чиқадиган «Бизнес стандард» газетаси қуйидагиларни ёзади: Совет — Ҳиндистон иқтисодий муносабатларига асос қилиб олинган ўзаро манфаатдорлик принципи амалда изчиллик билан рўёбга чиқарилмоқда. 25 йил муқаддам Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон ўртасида дастлабки савдо битими тузилган эди. Шу давр ичида ҳар икки мамлакат ўртасидаги савдо-сотиқ анча ўсди.

Ҳиндистон Совет Иттифоқи билан иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга зўр қизиқиш билан қарамоқда, деб таъкидлайди «Бизнес стандард» газетаси.

НЬЮ-ЙОРК. «Кристчен сайенс монитор» номли нуфузли газета Вашингтоннинг ҳарбий ҳаражатларни кўпайтириш сиёсатини кескин танқид қилди.

«Кристчен сайенс монитор» газетасининг фикрича, аввало, мудофаа министрлигининг янги турдаги қурол-яроғ сотиб олиш сиёсати қайта кўриб чиқилиши керак. Бунга умуман барча ҳарбий ҳаражатларнинг сал кам учдан бир қисми кетмоқда.

Ж. Картер президент лавозимига эндигина ўтирган пайтда Американинг чет эллардаги 85 та ҳарбий базаси рўйхатини эълон қилиб, уларни бемалол ёпиб қўйиш мумкинлигини айтган эди, деб эслатади газета.

Газета миллий хавфсизликка зарар етказмай туриб, қисқартирса бўладиган ҳарбий бюджетнинг бошқа бир қанча моддаларини кўрсатиб, шунинг натижасида бўшатиб олинадиган маблағлардан Америка халқига жуда зарур бўлган «тинч программалар»ни амалга ошириш учун фойдаланиш мумкинлигини таъкидлайди.

МАШАҚҚАТЛИ ҲАРАЖАТ

АЯНЧЛИ ИСТИҚБОЛ

ЛОНДОН. Миллий иқтисодий ва социал тадқиқот институтининг мутахассислари бу ерда эълон қилган маълумотномада ҳозир Англия бошдан кечираётган ва чўзилиб кетган иқтисодий танглиқдан қутулишга умид йўқ, деган хулосага келдилар. Келгусида ҳам Англия иқтисодиётининг кўплиги, пулнинг тобора қадрсизланиб бориши, савдо балансининг камомадининг кўпайиши сингари бир-бирини чигаллаштирувчи ва бартараф этиш қийин бўлган муаммоларга дуч кела беради, деб таъкидланади ҳужжатда.

Матбуотнинг таъкидлаб ёзишича, кейинги ойларда пул қадрсизланиши суръатини асосан механизациялаш, шунингдек давлатнинг социал эҳтиёжларга қиладиган харажатларини қисқартириш ҳисобига бир оз пасайтириш йўлидаги уринишлар кўзгалдагидек натижаларни бермади. Ишсизлар армияси тўхтовсиз кўпаймоқда.

КАМСИТИЛГАНЛАР

ПАРИЖ. Қўшма Штатларнинг 800 минг кишилик индейц аҳолиси қирилиб кетишга маҳкум этилган, Адиба Элизабет Вайан Франциядаги «Юманите димаш» газетаси саҳифасида эълон қилган мақоласида ана шундай хулосага келади.

«Сўл Америкага сёёҳат» деб аталган машҳур китоб муаллифи энг камҳосил ва қурғоқчил ерларда индейцлар учун ажратиб берилган резервацияларни бориб кўрганлигини тасвирлайди. Индейцлар ва уларнинг оила аъзолари дахшатли қашшоқлик ҳуфтонида тортаётганликларини ёзувчи ўз кўзи билан кўрган. Қишлоқ хўжалик асбоб-анжомлари сотиб олиш учун уларнинг қурби етмайди. Индейцларга доир ишлар билан шуғулланувчи машъум бюро резервацияларнинг зонасида, шу бюро таъбири билан айтганда, «тўлақонли» ёки оқ танли америкаликларнинг хўжалик юритиши учун имтиёз беради.

Э. Вайан Америка кино ва телекомпанияларини тўлдириб юборган пасткаш фильмларда индейцларни жисмоний қиргин қилиш эрмак даражасига кўтарилганлигига газаб билан қарши чиқди. Адибанинг маълум қилишича индейцлар яшовчи мажилгохларда кўплаб тарқатилаётган диний варақаларда «ҳудонинг амри билан» маъмурларнинг қора танли аҳолига нисбатан бедодлиги индейцларни камситиш, уларнинг қашшоқлиги оқлаб кўрсатилмоқда.

(ТАСС).

ШАНБА ОҚШОМИ

ЎЗ-ЎЗИНГИЗ ЎҚИНГ, ДОНО БЎЛИНГ...

▲ Беминнат қилинган эзгулик энг мақбул ва энг гўзал эзгуликдир.

▲ Ўзинг кўтара олмаган сўзларни бошқаларга юклама. Ахир ўзинг кўтара олмаганни бошқалар кўтара оладими?

▲ Бахтинг олдинга қараб кетган вақтида очиқ қўлли бўл, ҳар қанча сарф этсанг ҳам давлатинг камаймайди, агар бахтинг орқага қараб кетса, уни ҳеч ким тўхтата олмайди. Шунинг учун бахтли вақтингда бойлигингни яхши йўлларга сарф эт, агар бойлигинг битса, яхши номинг қолади.

▲ Алишер Навоий айтади.

Эй Навоий, неча душман бўлса, ёнма дўстдин,
Ким сенга бўлмишдур ўл юз минг таманно бирла дўст.

▲ Абу Али ибн Сино айтади:

— Инсоннинг доимий гўзаллиги ва латофати ҳаёдир. Ҳаёсиз юз жонсиз жасадга ўхшайди.

▲ Муҳиддин ибн Арабий айтади:

— Бировга жабр қилишдан, душман орттирадиган ишдан сақланиш бошқанинг ҳусумат ва адоватига йўл қўймайди. Мен ҳеч кимга ёмонлик қилмадим. Жабр, зулм ва адоватдан узоқлашдим. Шунинг учун ҳеч ким менга душман бўлмайди.

▲ Афғон шоири Козимхон Шайдо айтади:

Дўстинг қайғусига шерик бўл, оҳ торт,
Озгина ғамин ҳам ўз елкангга орт.
Агарда субутсиз, вафосиз бўлса,
Бундай дўст уйидан оёғингни торт.

▲ ҲИКОЯТ — Қадимги арабларнинг «Аббосия давлати» халифаларидан Ҳорунаррашид кунлардан бир кун Багдод кўчаларининг биридан ўтиб кетаётиб мактабдан уйларига қайтаётган болаларга учраб қолди. Бир боланинг ўз ўртоқларига қилган хушмуомаласи, доно-доно сўзлари халифанинг диққатини ўзига жалб этди, унинг ақлли, фаросатли ва зийрак бола эканини англаб дарҳол ёнига чақириб олди ва ардоқлаб бошини силаб-сийпаб унга бир олтин берди.

Бола халифанинг ҳадисини қабул қилмай ўртоқлари ёнига кета бошлади. Ҳорунаррашид уни тўхтатиб деди:

— Ўғлим, мен берган ҳадямни нега қабул қилмайсан? Халифаларнинг ҳурматларини рад қилиш тарбиясизлик аломати эмасми?

Бола халифага таъзим бажо келтириб шундай жавоб берди:

— Сўзингиз тўғри эканига ҳеч бир шубҳа этмайман. Ота-онамнинг: «Халифалар бир одамга ҳадя бермоқчи бўлсалар, фақат бир олтин эмас, кўпроқ олтин берадилар»,— деган сўзларини эшитиб эдим. Агар берган битта олтинингизни олсаму, уйга қайтиб ота-онамга:

—«Халифа Ҳорунаррашид менга бир олтин ҳадя қилдилар»— деб кўрсатсам, биласизми, қандай ёмон ҳолда қоламан. Албатта ота-онам сўзимга ишонмай:

— Елғон айтасан, Ҳорунаррашиднинг халифа бўла туриб бир олтин бериши мумкин эмас, сен нодон албатта бировнинг олтинини ўғирлаб олиб келгансан, дарров эгасини топиб олтинини бер, узр эт. Олтин эгаси ёшлигингни назарда тутиб гуноҳингни кечиради,— деб мени уришадилар. Шунинг учун биттагина олтинингизни олиб бошимни гавгога қўйишни, ота-онамни норози этишни истамайман, мени маъзур кўринг.

Халифа Ҳорунаррашид бу ақлли, фаросатли, зийрак боланинг бир-биридан гўзал сўзларини эшитиб завқланди, унинг бошини силаб, пешанасидан ўпди, китоб солган халтасини олтин билан тўлдириб унга ҳадя қилди. Эртаси кун шу зийрак болани йўқлаб ҳузурига келтириб, ўз тарбиясига олди.

БАЙТ:

Фаросатдан кўнгилга кўз очилгай,
Ҳама ҳолатни ул маълум қилгай.

ОТА-ОНАЛАРГА МАСЛАҲАТ

▲ **Таълим-тарбия илми олимларидан У. Азиз айтади:**

Бола тарбиясида энг кўп диққат этилиши ва эътиборга олиниши лозим бўлган нарса уни кичкина бола вақтидан бошлаб ишга ўргатишга, буюришлар ишни тўла-тўкис бажаришга одатлантиришдир. Кичкина болага буюрилган иш аҳамиятсиз, ҳатто иш номини олишга лойиқ бўлмаса ҳам, келгусида унинг келтирадиган фойдаси жуда зўрдир. Чунки бундай ишлар болада ишни севиш сезгисини қўзғатади, чин кўнгилдан ишга берилиш қувватини тарбия этади, мустақил равишда иш олиб бериш кучини тараққий эттиради. Бу уч нарса дунёда яшашнинг асосидир.

Ёши улғайган сайин бола бир ишга мустақил равишда киришиб, у ишда ўзини масъул ҳисоблайди, ишни камчиликсиз тўла-тўкис бажаришга киришади. яшаш учун меҳнат қилиш, ғайрат билан ишлаш кераклигини сезади.

Агар болада ишга муҳаббат туйгуси пайдо бўлса, у энди ота-онасига ёки акасига эмас, балки ўз кучи-қувватига, фаолиятига таяниб ишга киришади. Дунёда роҳат ва фарогатда яшаш ҳар кимнинг ўз саъйи-ғайратига боғлиқ эканига имон келтиради.

Ишни ўз вақтида ишлашга, бугунги ишни эртасига қолдирмасликка болани ёшлик вақтидан бошлаб кўниктирилмаса, у болалик даврини битириб, ҳаёт майдонига қадам босганидан кейин иш унга жуда оғир туюлади. Бу жиҳатга болалик вақтидаёқ диққат қилиш лозимдир.

Хулоса: болани ишга ўргатгандан кейин эътиборга олинадиган нарса уни белгиланган бир ишни ўз вақтида ишлаб битиришга одатлантириш лозимдир.

Ш. ЗУННУН тайёрлаган.

• Кутубхонанинг бебаҳо бойлиги

ЛЕВ ТОЛСТОЙНИНГ НОДИР КИТОБЛАРИ

Улуғ рус классик ёзувчиси Л. Н. Толстойнинг ўлмас асарлари кутубхонамизнинг қимматбаҳо хазиналаридан бири бўлиб ҳисобланади. Адибнинг 1886 йили Санкт-Петербург да нашр этилган «Анна Каренина»си-ю, биринчи бор ўзбек ва тожик тилларига таржима этилиб, маҳаллий газеталар саҳифаларида чоп қилинган ҳикоялари ҳам «Нодир нашрлар» бўлимида сақланиб келмоқда. Унинг «Одамлар нима билан тирик» номли асари биринчи бор ўзбек тилида 1887 йили Н. П. Остроумов томонидан ўзбек тилига таржима этилиб Тошкентда чиқадиган «Туркистон вилоятининг газети»нинг 1887 йилги бир неча сонларида босилган эди.

Ёзувчининг асарларидан бир қанчаси биринчи бор 1912 йилда Бухорода «Бухорои шариф» газетасида тожик тилида Р. И. исмли киши томонидан таржима этилиб чоп этилди. Л. Н. Толстойнинг «Идёс» номли ҳикояси дастлаб шу газетада босилиб чиқди.

Бундан ташқари «Инсонга кўп ер керакми?», «Ишчи Емельян ва бўш барабан», «Худо ҳақиқатни кўради, лекин тез жавоб бермайди», «Жуда қимматга тушди», «Кавказ асири» ва бошқа ўндан ортиқ ҳикоялари ҳам нашр этилган.

Ҳозирги вақтда А. Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат кутубхонаси фондида ёзувчининг ҳаётлигида ва ундан кейинги даврларда чоп этилган рус ва ўзбек тилидаги асарларидан ўттизга яқини сақланиб келмоқда. Булардан: 1886 йили нашр этилган «Анна Каренина»нинг 1-жилди, «Қандай қутилиш керак?». Бу китобда муаллиф ишчи ва деҳқонларнинг оғир аҳволини кўрсатиб беради. Бу китобча 1906 йили Санкт-Петербург да чоп этилган. Шунингдек ёзувчининг «Ўлдирма», «Рус революциясининг аҳамияти», «Очлик», «Ўқувчилар давраси» ва бошқа кўпгина асарларини ҳам кўрсатиш мумкин.

Бўлимда сақланаётган китоблар орасида Граф Л. Толстой тўғрисида «Дедо №18» китоби киши диққатини ўзига тортади.

Рус революциясининг кўзгуси бўлган Лев Толстойнинг кўпгина нодир китоблари қимматбаҳо халқ бойлиги сифатида кутубхонамиз фондида сақланмоқда.

Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ,
А. Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат кутубхонасининг «Нодир нашрлар» бўлимининг мудири.

◆ ДОНОЛАР ТАРБИЯ ҲАҚИДА

◆ ЁЗУВЧИНИНГ КАТТА ХАЗИНАСИ

◆ МУЪЖИЗАКОР ГЎЗАЛЛИКЛАР

◆ ВОДОРОД ХИЗМАТИНГИЗДА БЎЛАДИ

ТО СПРАВКАЛАР БЮРОСИ ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

О. ШАРИПОВ: Уйимизга радио точка ўрнатмоқчи эдик, бунинг учун қаерга мурожаат қилиш керак?

Жавоб: Уйга радио точка ўрнатиш учун район радиолаштириш тармоқлари бўлимига мурожаат қилиш керак. Агар районда шундай ташкилот бўлмаса, унда республика Алоқа министрлигига учрашасиз. Алоқа министрлиги Тарас Шевченко кўчасига жойлашган.

* * *

Н. ОДИЛОВА, Ш. ТОЛИПОВА: Ҳурматли редакция! Бизни бир нарса қизиқтириб қолди: шаҳримиздаги қайси мактабда ҳинд тили ўқитилади? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Жавоб: Шаҳримиздаги Меҳнат Қизил Байроқ ордени Лаъл Баҳодир Шастри номли 24-ўрта мактабда ҳинд тили ўргатилади. Бу ерда ўқувчилар 2-синфдан бошлаб 10-синфни битиргунларича ҳинд тилида ўқишади. Мазкур мактабда ҳинд тили кабинети ва Рабиндранат Тагор номли интернационал дўстлик клуби бор.

* * *

Х. АВЕЗОВА: Уйимиздаги полга, ленолиумга болаларимиз брилиантовий зелёнкани тўкиб юборишди. Ленолиумга, баъзи мебелларга тўкилган шундай зелёнкани қандай қилиб кетказса бўлади?

Жавоб: Стол, стул каби мебелларга, ленолиумга тўкилган бу дори юқини иссиқ сув билан яхшилаб ювиб, сўнг одеколон ёки спирт билан артиб кетказса бўлади.

* * *

А. ИБОДОВ: Шаҳримизда электр приборларини ремонт қиладиган устахоналар бор экан. Шу устахона адресини берсангиз.

Жавоб: Шаҳримиздаги барча бозорларда «Металлобитремонт» комбинатининг қабул пунктлари бўлиб, улар аҳолидан тузатишга ҳар хил приборларни қабул қилади. Шу пунктларда электр приборлар, синиб қолган велосипедлар тузатилади. Шунингдек, бююртмалар бўйича уйларгача ишлатиладиган турли-туман буюмлар ҳам тайёрлаб берилади.

* * *


Н. ФОЗИЛОВА: Уйимиздаги сервантларга ойналар харид қилиб олмоқчи эдик. Уни қаердан олиш мумкин?

Жавоб: Шаҳримизда рўзғор жиҳозлари ва мебель комбинатининг ойналар тайёрлайдиган цехи бор. Бинобарин Сизга уйингиздаги сервантларга ойналар керак экан, ана шу цехга мурожаат қилишингиз мумкин. Бу цех иккинчи Кафанов проезди 10-уйда жойлашган. У ерга 5, 9, 10-трамвайларда борилиб. Госпиталь бозори яқинида тушилади.

КУЧА ТАСОДИФЛАРГА ТУЛА ГАИ АХБОРОТИ

Ушбу ҳодиса Новий путь кўчасининг ўтиш қисмида содир бўлганлиги, йўловчи автомобиль тўқнашувида жароҳатланганлиги учун ҳам йўл-транспорт воқеаси деб аташ мумкин. Ҳеч қаерда ишламай юрган 20 ёшли Александр Кудряков «хурмача»си тўлгунича ичиб, ўзининг йигитлик бурчини ёдидан чиқариб, кўчада айланиб-чайқалиб борар эди. У Новий путь ва Куйбишев шоссеси чорраҳасида тўхтаб турган КРАЗ—6850 9—88 ТНМ номерли автобусга бориб урилди.

Бош мия суяги жароҳатланган йигитни автобузар йўловчи 3-шаҳар касалхонасига олиб борилди.



«Она шаҳрим — Тошкентим».
Ю. Ботиров фотоэтюди.



«Лайлаклар ошнёни гавжум».
Х. Мирзакаримов фотоэтюди.

• *Сутли ичимликлар*

ОҚ ЧОЙ

Қозон ёки кастрюлькага ярим литрча сув қуйиб қайнатасиз ва оловни пастлатиб қора чой солмасиз. Чойнинг шамаси ёзилгач, сут қўшиб 8—10 минут яна қайнатасиз. Сут билан бирга таомга озгина туз ҳам қўшасиз. Тайёр оқ чой пиёлаларда, бетига ярим чой қошиғида сариёғ солиб дастурхонга тортилади.

Оқ чойга қўшиб истеъмол қилиш учун дастурхонга бўғирсоқ, чалпак, юпқа ёки патирча ҳам келтириб қўясиз. Оқ чой тайёрлаш учун 2,5 литр сут, 2 чой қошиғида чой, ярим чой қошиғида туз кетади. Сариёғ талабга кўра олинади.

ШИРЧОЙ

Кастрюлькага бир ярим:икки литрча сув қуйиб қайнатасиз ва кейнок сувга қора чой солиб яна 5 минут қайнатасиз. Сўнгра қаймоқни яхшилаб аралаштириб-аралаштириб қўясиз ҳамда туз ҳам сепасиз. Ширчой 3— 4 минут қайнагандан кейин пишади.

Ширчойни пиёлаларга қуйиб, ҳар бир пиёлага ярим чой қошиғида сариёғ солиб дастурхонга тортасиз.

Ширчой тайёрлаш учун: бир коса (1 кило) қаймоқ, 3 чой қошиғида чой, бир чой қошиғида туз керак бўлади. Сариёғ таъбга кўра олинади.

• *Сайёҳ саргузаштлари*

СИРЛИ ҒОР

Қадимий абхаз афсоналарида тог остидаги сирли ғор ҳақида кўп гаплар айтилган эди. Ер остида улкан ғор бор эмиш, унинг бир томонида сув, бир томонида олов ловиллаб турармиш. Ғор тагида битмас-туганмас хазиналар бор эмиш...

1961 йили Смир деган абхаз йигит афсонани синаб кўрмоқчи бўлди. Чиндан ҳам тог ёнбошида ер остига олиб тушадиган каттакон ғор бор эди. Аммо ҳали унга ҳеч ким тушиб кўрмаганди. Довюрак йигит узун арқон топиб пастга осилиб тушмоқчи бўлди. У бир неча қулоч пастликка тушди ҳам, аммо ғорнинг туби кўринмас, ҳаммаёқни зулмат қоплаган, аллақаерда сув шовуллар эди. Арқон етмади. У бир амаллаб юқорига қайтиб чиқди. Кейин бу ерга геологлар келишди. Марказдан мутахассисларни чақиришди.

Смир ҳарчан уринган билан барибир ғорнинг тагига етолмаслиги аён бўлди. Худди ўша тог ёнбошидаги тешикдан ғор тубигача 193 метр келар экан. Бунча жойга арқон билан тушиш ҳазил гап эмас.

Мутахассислар ғорнинг «пасти-баландини» ўргана бошладилар. Бу— улкан зал бўлиб, 14 қаватли уй, бутун бошли футбол майдони бемалол сиғар экан. Аммо ғорнинг ўзига хос хислати фақат бу эмас, унда ақл бовар қилмас гўзаллик бор эди. Шундай қилиб, 1962 йили ҳукумат қарори билан янги Афон ғорини ўзлаштиришга 4 миллион сўм маблағ ажратилди. Ҳозир бу ер Кавказда. Қора денгиз соҳилларида дам олувчилар учун энг гўзал томошагоҳга айланган.

Агар сиз Сочи шаҳрида дам олаётган бўлсангиз, автобусга ўтириб 150 километр йўл босгач, янги Афон ғорларига етиб келасиз. Кичик вагонеткалар сизни ғор ичкарисига олиб кириб кетади. Лекин бу ҳали ғорнинг ўзи эмас.

Унга борадиган туннель ҳолос. Роса 1,5 километр йўл босгандан кейин ғорнинг биринчи зали— Абхазия залига кириб борасиз. Атроф қоронғи. Фақат жуда баланддан, тог орасидаги тешикдан гира-шира нур тушиб туради. Бир вақтлар жасур йигит худди мана шу ердан ғорга тушмоқчи бўлган. Ғор ҳавоси қишин-ёзин бирдек: 11 даража иссиқ. Аллақаерда сув шовуллайди. Чироқ ёқилганида пастда, эллик метрча чуқурликда ярақлаб ётган кўлга кўзингиз тушади.

Пўлда давом этиб Сталоцид залига кирасиз. У ер-бу ерда чироқлар ёнганида турли ҳажмдаги сон-саноқсиз шамлар ловиллаб турганини кўрасиз. Аммо булар шам эмас. Булар— минг йиллар мобайнида эриб оққан сталоцид тошларидир. Улар асрлар мобайнида томиб-томиб ақл бовар қилмас манзаралар кашф этган. Ёшлар зали. Эртаклар зали ҳажм жиҳатидан ҳам, ташқи кўриниши жиҳатидан ҳам бир-бирига ўхшамайди. Ҳар бир қадамингизда янги манзарани кўрасиз.

Ташқарига, нурафшон қуёш истиқболига чиққанингизда чуқур ер остида кўрган манзараларингиз яна қайтадан жонланади. Янги Афон ғорларининг тағин бошқа залларини очиш учун қизғин иш олиб борилаётгани бежиз эмас. Бундай гўзалликни кўрган киши унга мафтун бўлиб қолади.

Н. ВАЛИЕВ.

• *Фан оламида*

Ажойиб ёқилғи

Металларнинг водород билан ҳосил қилган бирикмалари гидридлар деб юритилади. Гидридларнинг ўзи эса водородни яхши ютгани ҳолда, уни кейин қайтариб бериши ҳам мумкин. Масалан, баъзи қотишмалар ўз оғирлигининг тўрт процентигача водородни юта олиш қобилиятига эга бўлиб, водород аккумуляторини ҳизматини ўтай олиши мумкинлиги Москва Давлат университети химия факультетининг бир группа ходимлари томонидан исботланди. Шуни ҳисобга олиб, олимлар пойтахтдаги Лихачёв номли автозавод инженерлари билан ҳамкорликда водородда ишлайдиган автомобиль аккумуляторини яратдилар. Бундай аккумулятор ҳозир заводдаги стенд синовларидан ўтказилмоқда.

Таблеткалар

«Токамаклар» принципида ишловчи термоядро реакторларини вақти-вақтида ёқилғи билан таъминлаб туриш уларнинг ишини доимийлаштириш мумкин. Бу мақсадда мутахассислари ҳозир фикрича, ёқилғи ролини қаттиқ ҳолдаги водород таблеткалари бажариши мумкин экан. Иллинойс университети (АҚШ) ходимларидан бир группаси ишлаб чиққан мослама диаметри 70 микронга тенг бўлган водород таблеткаларидан секундига юз минг дона ишлаб чиқара олади. Мослама кичик тешикчадан чиқаётган суюқ ҳолдаги водородни ва ҳосил бўлган томчиларни ультратовуш ёрдамида, тезликда совутади. Мосламада паст босим ёрдамида яна лазер термоядро синтезида қўлланилувчи микросфера шаклидаги қаттиқ водородни ишлаб чиқариш мумкин.

Дипротон

Мусбат зарядланган водород қолдиғи протон сифатида маълум. Яқинда Аргон (АҚШ) миллий лабораториясидаги тезлатигичда ана шундай протоннинг никиланган ҳолдаги заряди бўлган янги заррача олинганлиги маълум қилинди. Янги заррачага дипротон деб ном берилди.

Янги заррачанинг олиниши қизиқиш туғдиради.

Қ. АҲМЕРОВ,
химия фанлари кандидати.

⊙ «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»НИНГ ҲАЖВ ДАФТАРИДАН

УЙЛАНГАН ОДАМ ВА БЎЙДОҚ

Уйланган одамга нималар керак?
Кўп нарса керак.
Хусусан уй-жой керакми?
Керак.
Уй-жойга жиҳоз ҳам керак ҳойнаҳой?
Керак.
Ортиқча гуруччу, мош, нўхат, гўшт, мой?
Керак!
Дегчамас, каттароқ қозон керакми?
Керак.
Ортиқча косаю лаган керакми?
Керак!
Хотинга керакми минг турли либос?
Оҳ... оҳ... оҳ... керак!
Тиллаю марварид либосига мос?
Оҳ... оҳ... оҳ... керак!
Энг асосийси:
Гиди-бидига асаб керакми?
Оҳ... оҳ... оҳ... керак!
Рашк қилганида жавоб керакми?
Оҳ... оҳ... оҳ... керак!
Яна кўп нарсалар керакдир, керак,
Йўқ эса рўзғорда йиқилар тиргак.
Неч-нобуд бўлажак муҳаббатинг ҳам,
Эркаклик савлатинг
Ва иззатинг ҳам.
Ҳа, шундоқ.
О, дўстим.
О, бахтли бўйдоқ!
Бўйдоқлик бошқа,
Оила бошқа.
Бу ишни биларсан тушганда бошга,
Ҳа, шундоқ
Уйланган оламга кўп нарса керак.
Кўп нарса бўйдоқлик таштидан бошқа,
Бўйдоққа не керак, у сўққа бошга?
Ҳеч нарса керакмас хотиндан бошқа.

Азиз АВДУРАЗЗОҚ.

• *Дам олиш соатида*

«МУЗИКА» КРОССВОРДИ



Азиз оқшомхон! Таърифи қуйида баён этилган тўрт ҳарфли сўзларни топиб, мусиқага бўлган қизиқишингизни синаб кўринг. Жавоблар белгиланган хонадан соат стрелкаси йўналиши бўйича ёзиб чиқилади.

1. Торли урма чолғу асбоби. 2. Юриш учун ёзилган куй. 3. Пионер отрядларида чалинадиган музика асбоби. 4. Чертма торли катта музика асбоби. 5. Ўзбек халқ куйи. 6. «Шашмақом» таркибига кирувчи мақомлардан бири. 7. Операнинг бир парчаси. 8. Санъат тури ўйини. 9. Давра қўшиғи. 10. Ўзбекистондаги эстрада ансамбли. 11. Асосий музика товуш қатовидаги босқич номларидан бири. 12. Катта гармон. 13. Қозоқ халқининг лирик ашула жанри. 14. Музика белгиси. 15. Ўзбек халқ мақоми. 16. Оналар қўшиғи.

Тузувчи: **Фозилжон ОРИПОВ.**

12 АВГУСТДАГИ ЧАЙНВОРДНИНГ ЖАВОБИ

1. Архитектура. 2. Арифметика. 3. Авиатрасса. 4. Атмосфера. 5. «Автомобилист». 6. Тожикистон. 7. Николаева. 8. Александров. 9. Владимиров. 10. Водород. 11. «Декабристлар». 12. Ринг. 13. Гроссмейстер 14. «Руслан ва Людмила». 15. Акваланғист. 16. Телескоп. 17. Протазанов. 18. Васнецовская. 19. Ялта. 20. Арзамас. 21. Седов. 22. Варна. 23. Анқара.

• *Тарих солномасидан*

ТОШКЕНТНИНГ ДАСТЛАБКИ КЛУБИ

Кенг халқ оммаси ўртасида маданий-оқартув ва тарбиявий ишларни янада кучайтириш мақсадида Тошкентда ишчи клублари ташкил этила бошлади. Дастлабки ишчи клуби кайси корхонада, қачон ташкил этилганини биласизми?

1918 йилнинг 6 май куни Ўста Осиё темир йўли устахонасида ана шундай дастлабки клуб ташкил қилинди.

Йигирманчи йил ўрталарида Тошкентнинг эски шаҳар қисмида клуб очилиб, хўжалик қурилиши, оммавий-сиёсий тарбиянинг жуда кўп масалалари ҳал этиладиган марказга айланди. Клублар орқали оммани сиёсий руҳда тарбиялаш ишлари кучайтирилди.

Умуман йигирманчи йил ўрталари клублар тармоғини кенгайтириш йиллари бўлди. Масалан, ўша кезларда марказий ишчилар клуби, маориф ходимлари клуби, кўнчилар, қурувчи—ишчилар клублари ва бошқалар ташкил қилинди.

Тошкент клубларида ранг-баранг тўгараклар бор эди. Бу ерда музика, спорт, драматик, бичиш-тикиш тўгаракларини муваффақиятли иш олиб борди.

Шунингдек, ўзбек хотин-қизлари учун алоҳида клублар барпо этилганини айтиб ўтиш керак. 1937 йилда Тошкентда иккита ана шундай клуб бор эди. Уларда оилада болани тарбиялаш, хотин-қизлар ҳуқуқи масалалари, гигиена ва бошқа шу каби билар ўрганиларди.

Тошкент клублари қишлоқ клубларига ҳам жуда катта оталиқ ёрдами кўрсатишган. Тажрибали пропагандистлар қишлоқларга юборилиб турилардн.

Табиат ажойиботлари

ШАКЛДОР САБЗАВОТЛАР



Табиатда жониворларга ўхшаш шакдор нарсалар барча маданий ва ёввойи ўсимликларда учрайди. Шакдорликни бир қарашда кўпчилик сезиб ололмайди. Унга диққат билан қаралгачина бу ажойиб шакдор жисмни бир ёки иккинчи нарсага ўхшатиш мумкин. Ушбу суратларда ҳам табиат мўъжизалари тасвирланган. Юқоридаги икки суратда сабзилар акс этган. Бу икки сабзи ернинг қаттиқлиги туфайли бир-бирига пайванд бўлиб кетган. Натижада алфавитдаги «Х» ҳарфига ўхшаб қолган. Иккинчи расмда ҳам уругнинг устма-уст тушиб қолиши ва ернинг қаттиқлиги туфайли бири иккинчисига белбоғ бўлиб қолган. Учинчи суратдаги картошка эса ҳудди қўзиқоринни эслатади.

Ҳ. Мирзакаримов
фотолари.

МАСЛАҲАТЛАРИМИЗ

ЭСИНГИЗДА БЎЛСИН...

● Қайноқ сувга ҳамир қорманг, чунки қайноқ сув ҳамирни тиритириб ёйишни қийинлаштиради ва ғозини кетказиб қўяди, натижада ҳамир яхши кўпчимайди.

● Картошкани овқатга артиб тайёрлаганч, сувда кўп сақламанг, тозаланган картошка сувда кўп турса таркибидаги крахмал моддалар ва витаминларнинг кўпи сувга ўтиб кетиши мумкин.

● Баъзан палов пиширётганда дог бўлган ёққа аввал гўшт солиб қовурадилар, айниқса камёб бўлган қўй, мол ва бузоқ гўштини шундай пиширадилар. Бу жуда яхши усул, чунки қовурилган гўшт сиртида пайдо бўлган пўстлоқ гўштдаги экстрактив моддаларни сақлаб қолади. Бу усулда пиширилган гўшт қайнатиб пиширилган гўштга қараганда фойдали ва лаззатли бўлади.

● Идишдан пиёз ҳидини кетказмоқчи бўлсангиз, уни сирка-ли қайноқ сувда ювинг, пиёз ҳиди кета-ди.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

ЗТошкент оқшоми

19 АВГУСТ, 1978 й.

Ҳафталик программа

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

21 АВГУСТ — ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 Мультфильмлар программаси: «Сеҳрли қалпоқча», «Мен уни қаерда кўрганман», «Юмронқозиқ ва транзистор». 10.25 «Ноаниқлик тўсиғи». Бадиий фильм. 12.05 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 15.00 «Қишлоқдаги оддий иш кунлари». Кинопрограмма. «Чўлдаги қишлоқда» (Куйбишев кинохроникаси студияси). «Давлат манфаати» (Свердловск). «Чўпон қисмати» (Тошкент). «Терск кумликларида» (Оржоникидзе). 15.55 «Чокирлия» Единецк Маданият уйи халқ чолғу оркестрининг концерти. Кишинёвдан олиб кўрсатилади. 16.25 «Депутатлик ишлари». 17.00 «Сиз яратган боғ».

17.30 «Ёшлик». Бадиий фильм. 18.30 Янгиликлар. 18.45 СССР халқ артисти В. Норейка концерти. 19.30 «Учинчи йил — зарбдор йил». «Саян плацдарми». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов олиб боради. 20.15 «Ўн уч терак кўчаси». Бадиий фильм. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Шахтёр» (Донецк). «Торпедо» стадионидан олиб кўрсатилади. 23.45 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Болалар учун қўғирчоқ фильм. 18.15 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида». 18.45 «Ўзбек шоирларидан янги таржималар». Адабий кўрсатув (рус.). 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Шодлик тароналари». Концерт. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Рояль олдидаги суҳбат». 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «КПСС Марказий Комитети июль пленуми қарорлари — ҳаётга!». «1 миллион 200 минг тонна «қаҳрабо дон» учун». 22.15 Л. Н. Толстой туғилган куннинг 150 йиллигига. «Анна Каренина». Бадиий фильм. 1-серия. 23.30 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 ВЛКСМ 60 йиллигига. «Улар ўн тўққизда эдилар». Бадиий фильм. 20.15 «Тошкент ва тошкентликлар». «Архитектура премьералари» (рус.). 20.45 «Реконструкция». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.55 Тошкент янгиликлари. 21.15 Жаҳон халқларининг куйлари. 21.55 Телевизион ҳужжатли фильм.

22 АВГУСТ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Қўшиғимиз, парвоз эт!». Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг Катта болалар хори ҳамда Академик рус халқ чолғу оркестри ижро этади. 10.20 «Гварнери квартети». Телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-сериялар. 15.00 Ёшларни касбларга йўналтириш ҳақидаги ҳужжатли фильмлар программаси. 15.35 «В. Розов драматургияси». 16.25 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 16.55 В. Тучков. «Кудиновкадаги тўрт беҳаловат кун». Телевизион спектакль. 1-қисм. 18.30 Янгиликлар.

18.45 «Расмларда қуёш акси бор». 19.00 Р. Шуман. Фортепьяно ва оркестр ижроси учун ёзилган концерт. 19.30 «Инсон ва қонун». 20.00 «1978 йил қўшиқлари». Киевдан олиб кўрсатилади. 20.30 «Яловбардорлар». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Совет музикасининг танланган саҳифалари». Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР халқ артисти, Ленин мукофотининг лауреати, композитор Қ. Қораев. 23.05 Сув спорти турлари бўйича жаҳон чемпионати. Сув полоси. Австралия—СССР терма командалари. Ғарбий Берлиндан олиб кўрсатилади. 23.35 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

10.55 Кўрсатувлар программаси. 11.00 «Ўғирланган ой». Болалар учун мультфильм. 11.15 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист М. Дадабоева, Э. Лутфуллаев ва «Баҳор» ансамблининг солисти Н. Мадраҳимова ижросида лирик қўшиқлар ва рақслар. 12.15 «Анна Каренина». Бадиий фильм. 1-серия.

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Қария». Болалар учун мультфильм. 18.10 Мактаб ўқувчилари учун. «Биз сенинг содиқ ўринбосарларингиз, комсомол». 18.40 «Румин халқининг миллий байрами». 19.00 «Қишлоқ ҳаёти» (рус.). 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Р. Чориев. 20.00 М. Қориёқубов номли Ўзбек Давлат филармонияси Т. Жалилов номли халқ чолғу оркестрининг концерти. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Ўзбекистон ССР халқ артисти Ҳамза номли республика Давлат мукофотининг лауреати О. Худойшукуров ва республикада хизмат кўрсатган артист М. Йўлдошева ижро этадилар. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.30 «Нурафшон ўлка маршрутлари» (рус.). 22.20 «Анна Каренина». Бадиий фильм. 2-серия. 23.30 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Палата». Бадиий фильм. 20.25 «Дўстларимиз эстрадаси». 20.55 Тошкент янгиликлари. 21.15 «Премьерага йўл». Телевизион фильм-концерт.

23 АВГУСТ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Ўн уч терак кўчаси». Бадиий фильм. 11.10 «Киносаёҳатчилар клуби». 14.40 «Меҳнатинг — иқболинг». Кинопрограмма. 15.30 «Халқ оҳанглари». 15.45 «Москва комсомолининг ишлари». 16.15 «Фан оламида». Кўрсатувда В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг академиги Д. Д. Брежнев иштирок этади. 16.45 «Горчичилар, қаердасиз!».

17.15 В. Тучков. «Кудиновкадаги тўрт беҳаловат кун». Телевизион спектакль. 2-қисм. 18.30 Янгиликлар. 18.45 «1978 йил ҳосили учун». 19.00 Румин халқининг миллий байрами — Руминия фашист босқинчиларидан озод этилган кунга бағишланган Руминия Социалистик Республикаси телевидениесининг программаси. 21.30 «Вақт». информацион программаси. 22.00 «Санъат усталари». СССР халқ артисти Н. Ужвий. 22.45 Эстрада концерти. 23.15 Сув спорти турлари бўйича жаҳон чемпионати. Сувга сакраш. Ғарбий Берлиндан олиб кўрсатилади. 23.45 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

10.55 Кўрсатувлар программаси. 11.00 «Гимнастика машғулотлари». Телевизион ҳужжатли фильм. 11.20 «Анна Каренина». Бадиий фильм. 2-серия. 17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 ВЛКСМ 60 йиллигига. «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Касбим — фахрим». 18.35 «Ривожланган социализм шароитида КПССнинг аграр сиёсати». «Қишлоқ хўжалиги соҳасида КПССнинг ленинча стратегияси ва тактикаси». 18.50 «Оқ олтин»га олий сифат». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 Л. Н. Толстой туғилган куннинг 150 йиллигига. «Лев Толстой Ясная Полянада». Адабий кўрсатув. 20.00 «Олтин бошоқ». Телевизион фильм-концерт премьераси. («Ўзбектелефильм»). 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Ер ва диёр тароналари». Концерт. 21.30 Москва. «Вақт». информацион программаси. 22.00 «КПСС Марказий Комитети июль пленуми қарорлари — ҳаётга!». «Комплекс механизация — пахтачиликда бош йўналиш». 22.20 «Ўлимга маҳкумлар қасри». Бадиий фильм. 23.55 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 В. Розов. «Иркутск воқеаси». Телеспектакль. 1-қисм (рус.). 20.05 Тошкент янгиликлари. 20.25 «Фақат вальс янграйди». Концерт. 20.55 «Тошкент» телепрограммаси. «Транспорт ва йўловчи». 21.25 «Уччови кузнечнийлик». Телевизион ҳужжатли фильм.

24 АВГУСТ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Бил ва уддала». Ёш техниклар учун кўрсатув. 10.40 «Ўз ихтиёри ва ўз хоҳиши билан». Бадиий фильм (Руминия). 15.00 «Ҳиндистон: ташвишлар ва орзулар». Телевизион ҳужжатли фильм. 15.50 «Касб билан танишув». Механизаторлар. 16.25 Л. Н. Толстой. «Ижод йўли». Ёзувчи туғилган куннинг 150 йиллигига.

17.25 Болалар учун. «Дони ва Миккининг янги саргузаштлари». Телевизион бадиий фильм. 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Қувноқ ноталар». 19.00 «Узоқ Шарқ илмий маркази». 1-кўрсатув. «Тинч океан Океанологик институти». Кўрсатувни СССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси В. И. Ильичёв олиб боради. 19.30 «Мцири». Фильм-балет премьераси. 19.55 Ленин комсомолининг 60 йиллигига. «Хайр, кабутарлар!». Бадиий фильм. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Алкоголизм». Врач суҳбати. 22.30 «Е. Светланов концерти». 1-кўрсатув. Программада П. И. Чайковскийнинг 5-симфонияси. 23.20 Сув спорти турлари бўйича жаҳон чемпионати. Фигурали сузиш. Ғарбий Берлиндан олиб кўрсатилади.
23.40 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Ғаройиб мушукча». Болалар учун фильм-концерт. 18.15 «Жанговар постда» (рус.). 18.45 ВЛКСМ 60 йиллигига. «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Эстафета давом этади». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Ижод гулшани». Тележурнал. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Лола» Телевизион ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»). 21.00 А. Навоий номли Ўзбек Давлат опера ва балет Катта театри солистларининг концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари — ҳаётга!» Чорвачилик — зарбдор фронт». 22.15 «Сатурн» пайидан». Бадиий фильм. 23.35 Чим устида хоккей бўйича СССР чемпионати. «ПОЛИТЕХНИК» (Тошкент) — «СТАРТ» (Ленинск). «Политотдел» стадионидан репортаж (ёзиб олинган). 00.05 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 В. Розов. «Иркутск воқеаси». Телеспектакль. 2-қисм (рус.). 20.05 Тошкент янгиликлари. 20.25 Классик композиторларининг симфоник асарлари. 21.00 «Кругозор». Илмий-оммабоп программа (рус.). 21.30 «Долженково даласи. Телевизион ҳужжатли фильм. 22.00 Дам олиш концерти.

25 АВГУСТ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 Кишинёв Пионерлар саройи ашула ва рақс ансамблининг концерти. 10.20 «Хайр, кабутарлар!». Бадиий фильм. 11.15 «Таймирга қайтиш». Телевизион ҳужжатли фильм. 15.00 Шахтёрлар кунига бағишланган телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 15.50 «Шахмат мактаби». «Шахмат тарихидан». 8-кўрсатув.

16.50 Ленин орденли Украина ССР жануби-ғарб темирйўли хизмат кўрсатган ҳаваскорлик хор капелласининг концерти. Киевдан олиб кўрсатилади. 17.20 «Москва ва москваликлар». 17.50 «Асл йигитлар». 18.30 Янгиликлар. 18.45 Сув спорти турлари бўйича жаҳон чемпионати. Сузиш. Ғарбий Берлиндан олиб кўрсатилади. 19.15 «Бизнинг обзор». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов олиб боради. 20.00 «Марказий телевидение экранида биринчи марта». «Рақиб». Бадиий фильм (Ҳиндистон). 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Интервидение фестивали». Сопотда эстрада қўшиқлари конкурси. (Польша). 23.00 Гитарачи Диего Бланко концерти. (Испания). 23.55 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

10.55 Кўрсатувлар программаси. 11.00 Болалар учун концерт. 11.30 «Кўл тубидаги хазина». Бадиий фильм. 12.45 «Кўча ҳаракати хавфсизлиги учун» (рус.) 13.25 «Замандас». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун программа (қозоқ тилида). 17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 ВЛКСМ 60 йиллигига. «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз — 70-йиллар комсомоллари» (рус.). 18.30 «Ленин мактабининг революционерлари». П. А. Кобзев туғилган куннинг 100 йиллигига. 18.45 «Халқ контроли экрани» (рус.). 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Куйла, ёшлигим». Х. Мирбобоева ва С. Абдуллаев концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Ўзбекистон қовунлари». 22.20 «Сатурн»нинг охири». Бадиий фильм. 23.50 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Болалар учун фильм. 19.20 Л. Н. Толстой туғилган куннинг 150 йиллигига. «Зиёфатдан сўнг». Телевизион бадиий фильм (рус.). 20.00 Тошкент янгиликлари. 20.20 «Ёшлик қўшиқлари». Концерт. 20.50 «Бизнинг бош мухбиримиздан...» (рус.). 21.20 «Балетлардан саҳналар».

26 АВГУСТ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Тоғлар ва денгизлар учрашди». Телевизион музикали фильм. 10.20 «Оталар, Сизлар учун». 10.55 «Тонгги почта». Музикали программа. 11.20 «Советлар ва ҳаёт». 11.50 Болалар учун. «Қаҳрабоолик қочоқ». Бадиий фильм. 13.00 «Ҳаракат хавфсизлиги учун». Кўрсатувни СССР Ички ишлар министрлиги Давлат автоинспекцияси бошқармаси бўлимининг бошлиғи Н. Д. Сорокин олиб боради. 13.30 «Архитектура». Сибирь шаҳарлари». 14.00 «Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар». ГДРдан олиб кўрсатилади. 15.15 Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари тўғрисида кинопрограмма. 16.00 «Спортлото» тиражи. 16.15 «Здоровье» программасининг почтаси». 17.00 Ленинград академик опера ва балет Малий театри ёш солистлари ижросида рус композиторларининг романслари. Ленинграддан олиб кўрсатилади.

17.30 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». «1890—1918 йиллар немис живописи». 18.00 Мультфильмлар программаси: «Тулки ва айиқ», «Ўрмон хроникаси», «Рекс-телетомошабин». 18.30 Янгиликлар. 18.40 «Цирк майдонида». 19.25 «Ҳайвонот оламида». 20.25 И. С. Бах. 3-Бранденбург концерти. Г. Боссе раҳбарлигидаги Лейпциг «Гевандхауз» оркестри ансамблининг солистлари ижро этади. 20.40 Л. Н. Толстой туғилган куннинг 150 йиллигига бағишланган ҳужжатли фильм. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Интервидение фестивали». Сопотда эстрада қўшиқлари конкурси (Польша). 23.00 Спорт программаси: 1. Футбол бўйича СССР чемпионати. «ШАХТЁР» (Донецк) —«ДИНАМО» (Тбилиси). 2-тайм. Донецкдан олиб кўрсатилади. 2. Футбол бўйича СССР чемпионати. МАСК — «ДИНАМО» (Киев). 2-тайм. МАСК стадионидан олиб кўрсатилади. 00.30 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Ф. Умаров ижросидаги лирик қўшиқлар. 10.50 «Шеърият мухлисларига». 11.10 Мактаб ўқувчилари учун. «Светофор». 12.10 «Нафосат оламида» (рус.). 12.40 «Қизлар даврасн». 13.40 «Ёш кинохаваскорлар клуби» (рус.). 14.40 «Ўзбекистонда спорт». Мактаб ўқувчиларининг Бутуниттифоқ XV спартакиадаси олдидан. 15.10 «Абитуриент-78».

17.30 Кўрсатувлар программаси. 17.35 Л. Н. Толстой туғилган куннинг 150 йиллигига. «Лев Толстой — болаларга». 18.05 «Халқаро ҳаётнинг актуал проблемалари». 18.25 «Ёшлик» студияси кўрсатади. Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига номзодлар. Йўлдош Сулаймонов. 19.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «ПАХТАКОР» — «НЕФТЧИ» (Боку). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Ахборот» информацион программаси (рус.). 20.45 «Ахборот» информацион программаси. 21.05 «Кичик концерт». 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Дефолиация. Мутахассислар маслаҳатлари». Пахтакорлар учун кўрсатув. 22.15 «Телевидение экранида биринчи марта». «Берилмаган отпуска». Бадиий фильм. 23.30 Кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевидениесининг программаси

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Пионер» студиясининг концерт программаси. 18.35 Болалар учун кинофильм. 18.50 «Новости» информацион программаси. 19.05 «Маданият ва турмуш» (тожик тилида). 19.35 «Ахбор» информацион программаси. 20.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «ПОМИР» (Душанба) — «ШИННИК» (Ярославль). 2-тайм. 20.45 Концерт. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.05 «Муҳаббат чўриси». Бадиий фильм (рус.). 23.40 Душанба кўрсатувларининг охири.

27 АВГУСТ — ЯКШАНБА
ШАХТЕРЛАР КУНИ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 «Зарядкага сафланинг!» 9.55 «Будильник». 10.25 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 11.25 Болалар учун қисқа метражли бадиий фильмлар программаси: «Димканинг жаҳли чиқди», «Димканинг хўрозчаси», «Димка-велопойгачи». 12.05 Сув спорти турлари бўйича жаҳон чемпионати. Сузиш. Ғарбий Берлиндан олиб кўрсатилади. 12.25 «Музикали киоск». 12.55 «Қишлоқ янгиликлари». «КПСС Марказий Комитети июль (1978 й.) Пленуми қарорлари—ҳаётга!». 13.55 Л. Н. Толстой туғилган куннинг 150 йиллигига. «Тирик мурда». А. С. Пушкин номли Ленинград Давлат академик театрининг фильм-спектакли. 16.55 «Халқаро панорама».

17.25 «БУГУН — ШАХТЕРЛАР КУНИ». СССР Кўмир саноати министри Б. Ф. Братченко сўзи. 17.40 Шахтёрлар кунига бағишланган концерт. Давлат Марказий концерт залидан олиб кўрсатилади. 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Киносаёҳатчилар клуби». 20.00 «Дуэнья». Телевизион бадиий фильм премьераси. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Интервидение фестивали». Сопотда эстрада қўшиқлари конкурси (Польша). 23.00 Сув спорти турлари бўйича жаҳон чемпионати. Сувга сакраш. Ғарбий Берлиндан олиб кўрсатилади. 23.30 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Наманган область Тўрақўрғон район Маданият уйи «Дилшод» халқ ансамблининг концерти. 10.50 «Бепоён Ватаним менинг». «Бухоро». Телевизион ҳужжатли фильм. 11.00 Телевизион театр. Ойбек. «Навоий ва Гули». 12.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар». 13.00 «Зангори қўлтиқ капитанлари». Бадиий фильм. 14.10 «Шахмат мактаби». 14.40 «Кончиликда 300 йил». Телевизион ҳужжатли фильм. 15.10 «Оилавий маслаҳат» (рус.). 15.40 Реклама.

17.20 Кўрсатувлар программаси. 17.25 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат ғунчалари». 18.00 «Эртага — премьера». Кинокўрсатув (рус.). 18.30 «БУГУН —ШАХТЕРЛАР КУНИ». 18.45 «Пекиннинг хавфли йўли». Халқаро программа. 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 Хизмат кўрсатган Давлат «Баҳор» халқ рақс ансамбли ижро этади. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Шахтёрлар учун концерт. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Биринчи учрашув». Бадиий фильм. 23.30 Кўрсатувлар программаси.

Қирғизистон телевидениесининг программаси

17.30 Кўрсатувлар программаси. 17.35 Экран — болаларга. 17.50 «Куйловчи ёшлик». Фильм-концерт. 18.20 «Телевидение экранида биринчи марта». «Яхшилик-яхшилик». Бадиий фильм. 19.45 «Шахтёрлар, Сизлар учун». Концерт. 20.15 «Ёзувчи ва ҳаёт». 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Фильмотека янгиликлари». «Она-Ватан бўйлаб қўшиқ янграйверсин!». Фильм-концерт (рус.). 23.00 Фрунзе кўрсатувларининг охири.

*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*

Ўзбек Давлат филармонияси
М. ГОРЬКИЙ НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА
20 АВГУСТ СОАТ 20.00 ДА

БУТУНИТТИФОҚ ПРОФЕССИОНАЛ-БАДИИЙ КОЛЛЕКТИВЛАР КЎРИК-КОНКУРСИНИНГ ДИПЛОМАНТИ
ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС «ШОДЛИК» АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
Вилоят ОҚИЛОВА

Солистлар: **Ҳотам ҲОЖИЕВ, Ғуломжон ЁҚУБОВ, Ҳавасхон ИСКАНДАРОВА, Дилором ҚАЮМОВА, Назира ШЕРАЛИЕВА, Баҳтиёр ХОЛХЎЖАЕВ, Моҳичеҳра НУРМУҲАМЕДОВА, Роза КАКУРИЕВА, Нарзулла ШЕРМАТОВ ва бошқалар.**

ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Ансамблнинг бадиий раҳбари —композитор МИРХАЛИЛ МАҲМУДОВ.

Ансамблнинг бош балетмейстери — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби АКБАР МЎМИНОВ.

Программани — ЎТКИР СИДДИҚОВ олиб боради.

БИЛЕТЛАР БОҒ КАССАСИДА СОАТ 14.00 ДАН СОТИЛАДИ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 19/VIII да **Пиковая дама**, 20/VIII да **Севги ҳақида қисса.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА (Муқимий номли Ўзбек Давлат музикали драма театри биносида) — 19/VIII да **Уйланиш**, 20/VIII да **Келинлар қўзғолони.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— **«ҲАЙВОНОТ ДУНЕСИ — ДУСТЛАР ДУНЕСИ» аттракционининг томошалари.**

КИНО

19 АВГУСТДА
ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ— **Эй, бахтли инсон!** (18.45).
Пятницкий кўчасидаги ковоқхона — «ЧАЙКА» (20.00).
Лейтенант Слейднинг хатоси— ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ номли (18, 20, 21.30), «ЧАЙКА» (18.00), «МОСКВА» (17.30, 19. 20.00), «ВОСТОК». (18. 20, 21.40), «НУКУС» (17, 19, 20.45).
Топталган туйғулар— «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

ЁЗГИ БИНОДА

Пятницкий кўчасидаги қовоқхона — «ФЕСТИВАЛЬ» (20.45).
Топталган туйғулар— «ХИВА» (20.45, 22.30).

20 АВГУСТДА
ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ — **Эй, бахтли инсон!** (10.30, 13.15, 16, 18.45).
Лейтенант Слейднинг хатоси — «ЧАЙКА» (11.30, 13, 14.30, 18, 21.30), «МОСКВА» (12, 14, 16, 17.30, 19, 20.30), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (12, 14, 16, 18, 20, 21.30), «ВОСТОК» (10, 12, 14, 16, 18, 20, 21.30), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).
Пятницкий кўчасидаги қовоқхона —«ЧАЙКА» (16, 20.00).
Бургутнинг сўнгги йили — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда).

Тошкент шаҳар Октябрь районидаги 106-мактаб томонидан **Мирвоҳид Мирҳайдаров** номига берилган 167242 номерли йўқолган
ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими Давлат комитети
127-ШАҲАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
Тошкентда яшовчи, 10-синфни тамомлаган йигит ва қизларни қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Эркаклар устки кийими бичиқчиси, аёллар устки кийими бичиқчиси, тикувчилик ишлаб чиқариши контролёри, тикувчилик ишлаб чиқаришининг ремонтчи-слесари.
Ўқиш муддати— 1 йил. Стипендия 30 сўм.
Ишлаб чиқариш практикаси вақтида ўқувчиларга иш ҳақининг 50 проценти тўланади.
ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.
Билим юртида аёлларнинг енгил кўйлакларини тикиш бўйича бичиш-тикиш, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари, спорт секциялари ишлаб турибди. Уй-рўзғор хўжалиги асослари ўргатилади.
Қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади: паспорт, ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат, яшаш жойидан ва ота-онасининг иш жойидан справка, медицина справкаси (286-форма), директор номига ариза, 4 та фотосурат (3x4 см. ҳажмида), мактабдан характеристика.
Машғулотлар— 1 сентябрда бошланади.
Қуйидаги адресларга мурожаат қилинсин:
Тошкент шаҳар, Энгельс кўчаси, 60-уй— Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси территориясида (2, 9, 18, 19, 21, 26, 51, 60, 72, 81, 47, 63, 89, 24-автобуслар, 2, 16, 3, 22, 23, 25, 28-трамвайларнинг «Олой» бозори бекати).
Тошкент шаҳар, Магазин-мавзук кўчаси, 136-уй— Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик бирлашмаси филиалининг территорияси (10-экспресс, 43, 88-автобуслар, 27-трамвайнинг «Шимолий Олмазор» бекати).
Тошкент шаҳар, Чехов кўчаси, 5 «а»-уй (2, 3, 25, 60, 80-автобусларнинг «Қизил тонг» бирлашмаси бекати).

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими давлат комитети
ТОШКЕНТ ШАҲАР, 46-СМЕНАЛИ БИЛИМ ЮРТИ
1978—79 ўқув йилига
қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

радиотелемеханик (пулли группа), телеграфист, почта алоқаси оператори, почта жўнатмаларининг сараловчиси, телефонист, шаҳар телефон станцияларининг электромонтёри (стипендия 56 сўм); электр кранларининг машинисти, газ-электр пайвандчи (стипендия 40 сўм).
Билим юртига 16 ёш ва ундан катта бўлган, 8—10 синф ҳажмида маълумотли телефонистлар, телеграфистлар, почта алоқасининг операторлари, шаҳар телефон станцияларининг электромонтёри ва сараловчилик ихтисосликларига 17 ва ундан катта ёшдаги 8—10 синф ҳажмида маълумотли, Тошкент шаҳрида доимий пропискаси бўлган; электр кўприк кранлари машинисти ва газ-электр пайвандчи ихтисосларига 17 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинадилар.
Бошқа шаҳардан келганларга ётоқхонадан жой берилади.
Ўқувчилар билим юртини тугатганларидан кейин база корхоналарига ишга юбориладилар.
Қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади: аттестат ёки 8 синф ҳажмида маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома (асли), мактабдан характеристика, турар жойидан справка, медицина (286-форма) справкаси, 4 та фотосурат, 3x4 см. ҳажмида, автобиография, директор номига ёзилган ариза.
Машғулотлар — 1 сентябрдан соат 9.00 ва 13.00 да, радиотелемеханиклар учун эса 18.00 да бошланади.
Билим юртида ўқиш муддати — 1 йил.
Бизнинг адресимиз, Тошкент шаҳри, Кафанов кўчаси, 51-уй. (8, 10, 24, 9-трамвайларнинг «Кафанов кўчаси». 2, 3, 80-автобусларнинг «Госпиталь бозори» бекати). Телефон: 56-58-87.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

19 АВГУСТ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.30 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 18.30 Янгиликлар. 18.45 «1978 йил қўшиқлари». 19.15 «Апрель ойидаги икки кун. Революция ҳақида репортаж». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Автор — Ф. Сайфуль-Мулюков. 20.15 «Гварнери квартети». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Голубой огонёк» саҳифаларида. 23.05 СССР Ҳаво флоти кунига бағишланган телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 23.40 «Рақс куйга айланиши учун». Фильм-концерт. 00.15 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

17.20 Кўрсатувлар программаси. 17.25 «Шоирлар — болаларга». 17.55 «Чет эллик меҳмонлар Ўзбекистон ҳақида» (рус.). 18.25 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Мен— Совет Иттифоқи гражданиман». 18.55 Халқаро масалалар бўйича шарҳловчилар телетомошабинларнинг саволларига жавоб берадилар. 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 Концерт. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Оила даврасида». 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 К. Яшин. «Бухоро». Ҳамза номли Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. Кўрсатув тугагач кўрсатувлар программаси.

20 АВГУСТ— ЯКШАНБА
СССР ҲАВО ФЛОТИ КУНИ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 «Зарядкага сафланинг!». 10.00 «СССР халқларининг қўшиқ ва рақслари». 10.30 «Будильник» 11.00 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 12.00 Болалар учун қисқа метражли телевизион бадиий фильмлар программаси: «Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган...», «Капитан». 13.00 «Музикали киоск». 13.30 «Қишлоқ янгиликлари». «КПСС Марказий Комитети июль (1978 й.) Пленуми қарорлари— ҳаётга!». 14.30 «Театр спектакли». Б. Шоу. «Пигмалеон». ССР Иттифоқи Давлат академик Малий театрининг фильм-спектакли. 16.00 «Халқаро панорама». 16.30 «Бугун— СССР ҳаво флоти куни». Ҳарбий Ҳаво кучлари Бош қўмондони, СССР Мудофаа министрининг ўринбосари, Авиация Бош маршали, Совет Иттифоқи Қаҳрамони П. С. Кутахов сўзи. 16.45 «Хатларингиз асосида». СССР Ҳаво флоти кунига бағишланган музикали программа.

17.30 «Киносаёҳатчилар клуби». 18.30 Янгиликлар. 18.40 «Парвоз давом этади». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Авторлар — СССР космонавт-учувчиси, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони Г. Гречко ва СССР космонавт-учувчиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Ю. Романенко. 20.15 «Гварнери квартети». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Торпедо» — «Динамо» (Киев). «Торпедо» стадионидан олиб кўрсатилади. 23.30 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Дам олиш концерти. 11.30 «Кўргазма заллари бўйлаб» (рус.). 12.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар». 13.00 СССР ҳаво флоти кунига. «Учишга рухсат этинг». Бадиий фильм. 14.35 «Кинокўзгудаги ҳаёт». (рус.). 15.15 «Ўзбекистонда спорт». (рус.). 15.45 «Тошкент саёҳат ва экскурсиялар бюроси таклиф этади». Реклама.

17.30 Кўрсатувлар программаси. 17.35 Болалар учун. «Юлдузча». 18.05 «1978 йил шашка юлдузлари». Тошкентдаги халқаро турнир якунларига оид кўрсатув. 18.30 «Бугун— СССР Ҳаво флоти куни». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 Телевизион миниатюралар театри. 20.10 «Ахборот» информацион программаси. 20.30 Ўзбекистон санъат усталари ва бадиий коллективларининг концерти. Кремль Съездлар саройидан трансляция пайтида ёзиб олинган. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Пахта йиғим-теримига ҳамма нарса шайми?». Пахтакорлар учун кўрсатув. 22.15 Ўзбекистон санъат усталари ва бадиий коллективларининг концерти (давоми). 23.45 Кўрсатувлар программаси.

Қирғизистон телевидениесининг программаси

16.30 Кўрсатувлар программаси. 16.35 «Экран — болаларга». 16.45 «Бугун— СССР Ҳаво флоти куни». «Қанотли бўлиш ҳуқуқи». «Само қўриқчилари». Телефильмлар. 17.55 «Инсон ва табиат». 18.20 «Новинки» киноклуби. 19.40 Дам олиш концерти. Қирғиз тилида: 20.30 К. Сактанов. «Охирги сўз». Телевизион спектакль». 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Комедия фильмлари экрани» 23.10 Фрунзе кўрсатувларининг охири.

В. И. Ленин номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент Давлат университети биология-тупроқшунослик факультетининг коллективи доцент Х. М. Ахуновга онаси
ОИША АХУНОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

4 бет. **ТОШКЕНТ ОҚШОМИ**
19 АВГУСТ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700,000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар; партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85. хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 38-81-42.

Р-13116. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1384.